



# MILLIY TIKLANISH

41 (362) ● 2015 йил 21 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида ўзбек тили давлат тили мақомига эга экани белгилаб қўйилган

Парламент назорати амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги ҳамда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди

Сирдарё вилоятида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг 10 мингга яқин аъзоси бор

**Таҳлил**

## Парламент назорати

давлат ҳокимиятини демократлаштиришнинг муҳим омили

*Мамлакатимизда демократик давлат, очиқ фуқаролик жамияти барпо этиши йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Давлат дастурлари юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигида муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш, назорат қилиш ва таъминлашда барча даражадаги депутатларнинг ўрни янада муҳим.*

Қабул қилинган қонунлар одамлар ҳаёти, турмуш тарзига, соҳалар ва ҳудудлар ривожига қандай таъсир кўрсатди? Уларнинг ижроси жойларда қай даражада таъминланяпти? Бу саволларга жавоб топиш ҳар бир депутат фаолиятининг устувор йўналишига айланиши лозим. Бу борада, айниқса, сўнгги йилларда Олий Мажлис палаталарининг ваколат ва функциялари янада кенгайгани, парламент назорати самарадорлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар эътиборга молик.

Давлатимиз раҳбари 2015 йилнинг 23 январидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунчилик талабларининг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофида жавоб қайтаришни таъминлаш парламентнинг кундалик иши бўлиши зарурлигини таъкидлади.

> 4-бет.

**21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни қабул қилинган кун**



Сирдар МУЛЛАЖОНОВ олган суратлар

## Она тили — миллат руҳи

*Ўзликни англаш, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали юз беради. Президентимиз Ислам Каримов "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она тилида, она тилининг бетақдор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир.*

Дарҳақиқат, она тили — миллат гурури, унинг энг улуг қадрияти. Миллийлигимиз, буюк тарихимиз, юксак маънавиятимизни ўзида жамлаган она тилимиз софлигини сақлаш, уни бойитиш ва келажак авлодга етказиш инсоний фазилат, чин фарзандлик бурчи. Тил — миллат тараққиётида муҳим ўрин тутар экан, мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ва миллий қадриятларини асраб-авайлашни мақсад қилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси бу жараёнда муносиб иштирок этиши, она тили ривожини учун амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларда ташаббускор бўлиши лозим.

> 2-бет.

**Электорат минбари**

## Сифат — муҳим омил

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига аъзо бўлганимга уч йил бўлди. Шундан буён партия фаолиятида, тадбирларида мунтазам иштирок этман. Уларда ёшлар қалбига ватанпарварлик, юртга фидойилик, миллий қадриятларимизга содиқлик туйғуларини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис бугун ЎзМТДП гўяларига хайрихоҳ ёшлар сафи кенгайиб бораёттир.*

Зеро, навқирон авлод онгида асрлар оша яшаб келаётган ва мустақиллик йилларида янгича сайқал топган миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизга нисбатан ҳурмат, Ватанга садоқат туйғуларини шакллантириш, дунёқарашини кенгайтиришга кўмаклашиш ҳар бир юрт фарзандининг қалб тўридаги истакдир. Бир сўз билан айтганда, касбим тақозоси ва ўзимнинг орзу-истакларим рўёбига етишда ушбу партия билан ҳамкамликим айна мундоо бўлмоқда.

Андижон маиший хизмат касб-хўнара коллежида ўқувчиларга иқтисод фанидан сабоқ бераман. Коллежимизда ер усти транспорти ва машинасозлик соҳалари, ошпазлик, қандолатчилик, туризм йўналишларида кадрлар тайёрланади. Дунё майдонига чиқаётган ҳар бир давлатнинг нафақат байроғи, мадҳияси, балки миллий либоси, таоми, ўзига хос хўнарамандчилик намуналари, амалий санъати ҳам алоҳида эътибор берилди. Шу нуқтаи назардан биз билим бериб, тарбия-

лаётган ёшлар ҳам, албатта, танлаган касб-хўнараларини пухта эгаллашса, ўз ижоди ва маҳорати маҳсули билан ўзгаларни қойил қолдира олса, дунёда ўзбек деган халқнинг қадди шунча тик, обрўси бадокат бўлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ихчам ва ҳаракатчан, бозор ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига тез мослашувчан тармоқ сифатида ҳар қандай мамлакат иқтисодидефини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши бугун ҳеч кимга сир эмас. Шу боис юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Андижонда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хўнарамандлар ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали иш юритишлари учун янада қўлайлик яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаёттир. Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, оилавий тадбиркорлар, хўнарамандлар ва кичик бизнес субъектлари қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, солиқ ва

божхона имтиёзларини кенгайтиришга алоҳида аҳамият берилаётгани тадбиркорларга янги имкониятлар эшигини очмоқда, уларни янги махсулотлар ишлаб чиқариш, меҳнат махсуллари сифатини замон талаблари даражасига мослаштиришга ундамоқда.

Ўрни келганда айтиш жоиз, бугун таълим даргоҳларида илм олаётган, касб-хўнара ўрганаётган ёшларнинг иқтисодий билимлари юқори бўлишига эришиш — давр талаби. Улар бир пайтнинг ўзида кенг дунёқарашли, билимли, зукко ва ҳалол бўлишлари шарт. Боиси, глобаллашув жараёнида барча соҳада бўлгани каби тадбиркорлик йўналишида ҳам янги ёндашувлар, янги гоёлар талаб этилади. Бунинг учун тартибот тадбирлари жуда зарур. Айниқса, биз устозлар ўз шоғирларимизни миллат ва халқ шаъни учун қурашувчан ёшлар қилиб тарбиялашимиз керак. Бу эзгу ишда, айниқса, ёшларни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, хўнараманд ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашни ўз дастурий мақсад-вазифалари сирасига киритган ЎзМТДП ташаббускор бўлиши лозим. Бу эса "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ёрлик остида тайёрланаётган махсулотларимиз ўз сифати билан нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам хариддоргир бўлишини таъминлашга ҳисса қўшади.

**Чаросхон ТУРГУНОВА,**  
Андижон маиший хизмат касб-хўнара коллежи ўқитувчиси,  
ЎзМТДП фаоли

> 4-бет.

**Ташаббус натижа берди**

*"Ўтган йили катта қизимизни дабдаба билан узатиб, бироз "силламинг қуриб" турган эди, яқиндагина жажжи набирам дунё юзини кўриши билан "ширин ташвиш"лар бизни яна бир "силкитди". Чақалоқ туғилганидан олдин янги меҳмон ва бўлажак она учун зарур бўладиган барча кийим-кечак, сарпо-суруқларни ҳозирлаш керак экан. Қизим боласини эсон-омон қўлига олсин дея, қувончимиз ичимизга сиғмай, оёғимиз олти бўлиб, бозорма-бозор айланиб, барчасини муҳайё қилдик.*

## Тўйларимиз ихчам ва файзли ўтсин

халқ депутатлари Тайлоқ туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи тўй ва маросимларимиз билан боғлиқ масалани сессия кун тартибига олиб чиқди. Сессия бу ҳақда қарор қабул қилди

Ҳа, энди қайнона, қайнотаси ва қувемига олсам бўлди шекилли, деб турсам, қўшилларим қойиб қолди: "Вой, иккала қудангининг ҳам ота-онаси бор, уларга сарпо қилмайсизми, чақалоқни туғруқхонадан уйга олиб келишганида борсангиз, қизингизнинг қайнопаси ва қайнисинглиси билан "қуруқ қўл"лаб кўришасизми?!". Нима қилишимни, бундай ортикча сарф-харажатлар учун қаердан маблағ олишни билмай, ўйлиниб турсам, "маслаҳаттўйларим" яна уларнинг барчасига асл, қимматбаҳо кийимлар бериш кераклиги, биринчи неварам бўлгани учун қизимни уялтириб қўймаслигим зарурлигини айтиб, менга "ёрдам бермоқчи" бўлишди.

**Ушбу сонда:**

### Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти

барча тур ва йўналишда кенгайиб бормоқда



> 5-бет.


### Тилимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш барчамизнинг бурчимиз

Ўзбек тилининг давлат тили мақомини олиши халқимизнинг эзгу интилишлари, беғубор орзулари, ёруғ мақсад-муддаолари, истиқболи билан ҳамоҳанг юксалиши ўзига хос тарихий жараён маҳсулидир

> 6-бет.

### "Роботлар тамаддуни"

ёхуд бугунги "темир одам"лар нималарга қодир?



> 7-бет.

### Мактабдан ташқари таълим

баркамол авлод тарбиясида муҳим омилдир



> 6-бет.



**"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!**

Нашр кўрсаткичи — 158



www.milliytiklanish.uz  
сайтида ҳам ўқинг!

21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни қабул қилинган кун



## Она тили — миллат руҳи

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида ташкил этилган "Она тили миллатнинг руҳидир" мавзусидаги давра суҳбатиде шу хусусда сўз борди. Унда партия фаоллари, депутатлар, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" етакчилари, олимлар ҳамда ёшлар ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши жараёнида, давлат тилининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш соҳасида амалга оширилётган чора-тадбирлар моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, давлат тилининг ҳуқуқий асослари ва ижтимоий-сиёсий мавқеини янада ошириш, уни асраш ва ривожлантиришда ЎзМТДПнинг ролини кучайтириш масалаларини кенг муҳокама қилди.

Давра суҳбатини ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди.

— Тил — халқ маънавий бойлиги, инсонларни миллат сифатида бириктирувчи, ҳалқнинг ўзлигини намоён этувчи қудратли куч, — деди партия раҳбари. — Президентимиз раҳнамолигида 1989 йил 21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун ота-боболаримиз орзқиб кутган ҳурлик учун қўйилган илк кадам бўлди. Қонунда давлат тили билан бирга юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш, давлат йўли билан ҳимоя қилиш, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим, ахборот, керакли маълумот олиш каби ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари аниқ белгиланди. Бош

зиқасини ўтамоқда.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида давлат тилини бойитиш ва янада такомиллаштиришга, тил маданиятини, ўзаро муомала сифатини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларининг бузилишини олдини оладиган аниқ мақсадли ишларни олиб бориш каби ус-тувор вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда тадбирда иштирокчиларга давлат тилининг ҳуқуқий асослари ва ижтимоий-сиёсий мавқеини янада кучайтиришда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси олдида турган вазифалар, ўзбек тили ривожининг тарихий илдизлари тўғрисида кўплаб маълумотлар берилди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида ўзбек тилининг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи изчил мустақамла-ниб бораётди. Бугун мамлакатимизда истиқомат қилувчи турли миллат ва элат вакиллари ўзбек тилида сўзламоқда, самарали ижод қилиб, истеъдодини намоён этаётди. "Ижтимоий фикр" жамоатчилиги маркази шу йил сентябрь ойида "Ўзбекистон — умумий уйимиз" мавзусида ўтказган социологик сўров натижалари ҳам фикримизга яққол далил бўла олади. Унга кўра, Ватанимизда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакиллари-га мансуб респондентларнинг 98 фоизи ўзбек тилини билишини эъти-роф этган.

Анжуманда маъруза қилган фракция аъзоси Алишер Қодиров ва ада-биётшунос олим Олимжон Давлатов бугунги кунга келиб жаҳон халқлари давлатимиз рамзлари — Ўзбекистон Республикаси байроғи, герби, дав-лат мадҳияси қаторида ўзбек тилига ҳам ҳурмат билан қараб, унга нафис ва бой тил сифатида юксак баҳо бе-риб келинаётганини алоҳида таъкид-



"Давлат тили тўғрисида"ги қонуннинг жойлардаги ижросини таъминлашга ҳисса қўшиш келмоқда. Халқ депутат-лари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи ташаббуси билан Тош-кент шаҳар кўчаларидаги реклама ва эълонларда ўзбек тилидан фойдала-нишдаги хатоларни бартараф этиш масаласи юзасидан сессия қарори қабул қилиниши бу борадаги амалий қадамлардан биридир.

Давра суҳбатиде "Давлат тилининг ҳуқуқий асослари ва ижтимоий-сиё-сий мавқеини янада кучайтиришда ЎзМТДПнинг вазифалари", "Ўзбек ти-лининг миллий маънавий-маданий ша-клантиришдаги роли" мавзусида маърузалар тингланди. Билдирилган фикр-мулоҳазаларда ахборот алма-шинуви шиддатли тус олган бугунги замон кўпгина миллий-маънавий бой-ликларнинг давлат тилини ҳам асра-б-авайлашни, унинг ҳуқуқий асосла-ри ва ижтимоий-сиёсий мавқеини янада кучайтириш бориши тақозо этиши таъкидланиб, бу борада ЎзМТДП ролини янада ошириш юза-сидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

### Мархабо ҒАФУРОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Ўзбек тилига давлат тили мақо-мининг берилиши мамлакатимизда яшовчи бошқа миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашга монелик қил-маслиги, фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишларига кўра танлаш ҳуқуқига эгалиги "Давлат тили ҳақида"ги қонунда белгиланган. Бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оиладек исти-қомат қилаётган юртимизда давлат тилини ўрганиш учун барча фуқаро-ларга шарт-шароит ҳамда бошқа мил-лат ва элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъ-минланмоқда. Ушбу жиҳатлар халқи-мизнинг баркиренглиги ва инсонлар-варлигини яққол намоён қилади. Шу ўринда айтиш керакки, "Ижтимоий фикр" маркази томонидан республи-камиз вилоятларида "Ўзбекистон — умумий уйимиз" шiori остида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ҳам юртимизда миллатлараро тотув-лик барқарор эканлигидан, Асосий қонунимизда белгиланган меъёрлар-га амал қилинаётганидан, аҳоли ўрта-сида фуқаролик позицияси шакллан-ганлигидан далолат беради.

Олий Мажлис Қонунчилик палата-сидаги ЎзМТДП фракцияси, Ўзбеки-стон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Тош-кент молия институти ҳамкорлигида ўтказилган илмий-адабий анжуман ҳам тил байрамига бағишланди. Тад-бирда ЎзМТДП фракцияси аъзолари Мухтабар Хусанова, Қозим Тожиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзо-си Мирпўлат Мирзо ҳамда Тошкент молия институти проректори Хўжаёр Шинаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ўзбек тилининг дав-лат тили сифатидаги мақоми янада мустақамлаш ва ривожлантиришга

алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

— Тил — миллат қиёфасининг бир бўлаги, фаҳри, гуруридир, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Қозим Тожиев. — Мустақиллик шарофати билан ўзбек тилига эътибор кучайди, она тилимизнинг ижтимоий мавқеи кенгайди. Бунда ўзбек тилининг ҳуқуқий асослари мустақамлашиб бораётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, 1993 йил 2 сентябрда "Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши Вата-нимизнинг маънавий-маданий ҳаёти-да муҳим аҳамият касб этди. Янги алифбога киритилган ўзгаришлар асо-сида "Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари" ишлаб чиқилди. Шунинг-дек, давр тақозоси билан "Давлат тили ҳақида"ги қонунга ҳам айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, 1995 йилнинг 21 декабрида янги тах-рирдаги "Давлат тили ҳақида"ги қонун эълон қилинди. Тил тўғрисидаги қонунчилик ижросини таъминлаш, ўзбек адабий тили меъёр ва қоидала-ри бузилишига йўл қўймаслик ҳар би-римизнинг вазифамиз, бурчимиздир. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тик-ланиш" демократик партияси давлат тилини бойитиш ва янада такомил-лаштириш, унинг соғлигини сақлашга кўмаклашишни мақсад қилган. Зеро, миллий ўзлигини англаш, мил-лий-маънавий тикланиш жараёнида тил масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, мустақиллик йиллари-да ўзбек тили жамиятимизнинг барча соҳасида, юксак даражадаги расмий тадбирларда кенг қўлланилаётгани барчамизда гурур-ифтихор туйғуси-ни уйғотади. Шу билан бирга, бу ижо-дий ва идоравий иш юритишда ўз самарасини бериб келмоқда. Гуру-римиз, фаҳримиз бўлган она тилими-з маънавийтимиз юксалишида, онгу та-факкуримиз кенгайишида, ёш авлод камолотида муҳим ўрин тутди. Ўзбек тилининг бор ҳузубасио гўзаллиги-ни, бетақорлигини, бой тил эканли-гини адабиёт, бадий асарлар, кино санъати, оммавий ахборот воситала-ри орқали намоён этишга эътибор қаратишимиз лозим.

Тил — миллат маънавиятининг кўзгуси. Тадбирда аждодлардан ав-лодларга ўтиб келаётган бебаҳо бой-ликнинг ворислари сифатида она ти-лимизни асраб-авайлашимиз, бойи-тиш, нуфузини янада оширишга ҳисса қўшишимиз лозимлиги эътироф этил-ди. Ўз сайловолди Платформасида тил маданиятини, ўзаро муомала си-фатини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқишни белгилаб олган ЎзМТДП бу борада барча даражадаги ташкилот-лари ва депутатлари фаолиятини са-марали йўлга қўйиши қайд этилди.

Шоҳида ДАМАНОВА, Мухтарам ҚАМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбирлари

ЎзМТДП ёшлари

## Дахлдорлик туйғуси шаклланиши

маънавий комиллик белгиси

*Ёшлар юртимиз келажа-ги, эртанги кунимиз эгала-ридир. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоли-гида мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мус-тақамлаш жараёнида соғлом ва мустақил тафак-курли, юксак маънавиятли авлодни тарбиялаш, ёшлар онгу шуурига Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат, ибратли анъаналаримизга ҳурмат руҳини сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Фарзанд келажаги учун ўзини дахлдор деб билган ҳар бир шахс, давлат ва жамоат ташкилотлари бу эзгу ишга бош қўшаётди. Ёшлар иштирокида ўткази-ладиган маънавий-маъри-фий, тарғибот-ташвиқот ишлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.*

Глобаллашув жараёнида йигит-қизларимизни ёт ғоя ва қарашлар таъсирига тушиб қолишдан асраш бугунги куннинг энг муҳим вазифа-ларидан биридир. Зеро, Президен-тимизнинг "Юксак маънавият — эн-гилмас куч" асарига таъкидланган-дек, "Барчамизга аён бўлиши ке-ракки, қаердаки бепарволик ва ло-қайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчилиқка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жон-куярлик, юксак ақл-идрок ва тафак-кур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маъна-вият қудратли кучга айланади".

ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" фаолиятида ҳам Президентимизнинг маънавий асо-ри муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

— Шу муъаззам заминда яшаётган ҳар бир ёш, энг аввало, ўзлигини англаши, тарихимиз ва бой мадания-тимизни, улуг аждодларимиз ме-росини чуқур ўзлаштириши, шиддат билан ўзгараётган замонга онгли муносабатда бўлиб, мустақил фикр-лаши, юртимизда кечаётган ўзга-ришларга дахлдорлик ҳисси билан яшаши керак, — дейди партия вило-ят кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчи-си Отабек Мўминов. — Партиями-зинг ёшлар сиёсатидаги оид асосий мақсад ва вазифалари ҳам юксак билимли, эркин фикрли, миллий қад-риятларга ва инсонпарварлик ғояла-рига садоқатли ёшларни тарбия-лашдан иборат. Партияимизнинг ана шу эзгу мақсадни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ёшлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқ-да. Айни пайтда партияимиз аъзола-рининг 49 фоизи ҳар томонлама фаол, билимли ва интеллектуал са-лоҳиятга эга ёшлардан иборат. Улар иштирокида ташкил этилаётган та-рғибот тадбирларининг жонли, таъ-сирчан ва ноъбанаъвий тарзда ўткази-лиши йигит-қизларнинг ЎзМТДПга бўлган ишончини янада оширмоқ-да. Айниқса, юртимизда фан, таъ-лим, маданият ва спорт соҳасида юксак натижаларга эришиб, ўз ютуқ-лари билан юрт ифтихориغا айлан-ган инсонлар билан ёшларнинг бе-восита мулоқотлари тадбирлар аудиторисининг янада кенгайиши-га хизмат қилаётди.

Истиқлол берган имкониятлар боис, буюк аждодларимиз бой ва бетақор меросини ўрганишнинг кенг ўфқлари очилиб, улуг аллома-ларимизнинг юртимиз ва жаҳон маданияти, илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини янада кенг тарғиб этиш ишлари янги поғонага кўтарилди. Бундан унумли фойда-ланаётган партия "Ёшлар қаноти" фаоллари вилоятдаги мавжуд зиё-раттоҳ масканларини ўрганиш ва тадқиқ этишда тарихчи олимлар билан ҳамкорликда илмий изла-нишлар олиб бормоқда.

— Ёшлар иштирокида ўткази-лаётган ҳар бир тарғибот тадбири аввалида иштирокчилар эътибори-га муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар ҳамда мустақиллик йил-ларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари акс этган ви-деороликни намойиш этмоқдамиз, — дейди "Ёшлар қаноти" етакчиси.

— Бу ёшларда ўз юрти, буюк аждодлари билан фахрланиш туйғуси шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқа-ри, "Ёшлар қаноти" ҳузурида таш-кил этилган "Ёш сиёсатчилар клуби" аъзолари ҳудудимизда жойлаш-ган зиёраттоҳ масканларни ўрга-ниш устида иш олиб бормоқда. Мақ-садимиз — халқимизнинг илмий-тарихий меросини ўрганиш ва мус-тақиллик туфайли эришилган ютуқ-ларни кенг аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, ёш авлодни моддий ва маъ-навий меросимизни асраб-авайла-ш, миллий қадрият, аънава ва урф-одатларимизга садоқат руҳи-да тарбиялашга кўмаклашиш орқа-ли партия сайловолди Платформа-сини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиши.

Мамлакатимиз мустақиллиги-нинг 24 йиллиги арафасида шаҳри-мизда фаолият юритаётган "Ғазо" телеканали ҳузурида "Ёшлар студияси"нинг ташкил этилгани ҳам айни муддао бўлди. Мазкур студия билан партия "Ёшлар қаноти" аъзо-ларининг ўзаро ҳамкорлик режаси тасдиқланиб, тарғибот ишларини тизимли ташкил этиш ва уларни телевидениеда мунтазам равишда ёритиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Навқирон авлоднинг ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмаслиги учун уларни, энг аввало, миллий қадри-ят ва анъаналарга садоқат руҳида тарбиялаш лозим. Зотан, давлати-миз раҳбари таъкидлаганидек, "маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзиндан мамлакат ҳавфсизлиги, унинг миллий ман-фаатларини, соғлом авлод келажа-гини таъминлаш йўлидаги жиҳдий хатолардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқироз-га олиб келиши мумкин".

— Бугунги кун ёшларнинг ҳар жабҳада фаоллигини қўзатиб, улар-га ҳавасингиз келади, — дейди халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Тоҳир Абдурахмонов. — Айниқса, улар ўз келажаги, юртимизда амалга оши-рилаётган кенг қўламли ислохотлар-га бефарқ эмас. Зарарли иллатлар, ёт ғояларга қарши мустақам им-мунитетга эга. Бунда жойларда ташкил этилаётган маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамиятга молик тадбир-лар муҳим ўрин тутмоқда. Жумла-дан, халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳимиз ҳамда "Ёшлар қаноти" ҳамкорлигида таш-кил этилаётган "Гиёвандлик — умр заволи", "Огоҳлик — давр талаби", "Ёшлар — Ватан таянчи", "Оммавий маданият — маънавият кушандаси" сингари мавзулардаги тадбирлар долзарб кўламли асосий мақсад ҳам юксак маънавиятли ва масъулиятли шахсни тарбиялашга қаратилган. Мазкур тадбирларда бой ҳаётий тажри-бага эга нурунийлар, зэйиллар, фаол ёшларга тарбиявий, жиноятчи-лик, бепарволик ва лоқайдлик илла-ти, унинг оқибатлари хусусида ўзла-рининг фикрлари, мулоҳазаларини билдирмоқда. Бу каби тадбирлар ёшларнинг Ватан тақдирига дахл-дорлик туйғусини янада кучайтириш-да муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Юртимизда навқирон авлод-нинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида, ҳар то-монлама соғлом қилиб тарбиялаш, ўз истеъдод ва маҳоратини рўёбга чиқариши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган, — дейди Навоий давлат педагогика инсти-тути талабаси, "Ўзбекистон белги-си" кўрак нишончи соҳибни Лазиз Қаюмов. — Мамлакатимизда амал-га оширилаётган изчил ислохот-ларда ёшларнинг фаол иштироки-ни таъминлаш, мустақил ва эркин фикрлайдиган, ҳар томонлама соғ-лом авлодни вояга етказиш йўли-даги саъй-ҳаракатларнинг беқиёс самаралари бугун ҳар бир йигит-қиз ҳаётида ўз ифодасини топмоқ-да. Мазкур жараёнда ўз ақия ва лойиҳалари билан ёш авлод камол-отига муносиб ҳисса қўшишга ин-тилаётган Ўзбекистон "Миллий тик-ланиш" демократик партияси ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда фаол кўмакчи бўлаётди. Партия "Ёшлар қаноти" фаолиятида иштирок этиб, сиёсий фаоллигимизни ошираётганимиз-дан мамнунмиз.

Ўралой ТУРДИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири



комусимиз — Конституцияимизнинг 4-моддасида ўзбек тили давлат тили мақомига эга эканлиги мустақамлаб қўйилди. Ўзбек тили мустақил давлатимизнинг рамзлари қаторида тура-диган ва қонун билан ҳимоя қилина-диган муқаддас тимсоллардан бири-га айланди. Истиқлол йилларида дав-лат тилини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, жамият ҳаётида-ги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни миллий қадриятга айлантириш йўлида кенг қўламли ислохотлар амал-га оширилди. Мамлакатимизда ҳар йили 21 октябрь кунини тил байрами сифатида нишонлаш аънавага айлан-гани, ўзбек тилининг қўлланishi дои-раси кенгайиб, уни илмий асосда ри-вожлантиришга қаратилган тадқиқот-лар, ўзбек тилининг ўзига хос хусуси-ятларига бағишланган бир қатор ил-мий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалар, янги-янги луғатлар чоп этилаётгани жамият маънавий тафак-курини юксалтиришда муҳим асос ва-


ладилар. Шунингдек, ўзбек тили компьютер ва Интернет, аниқ фан-лар, тиббиёт, иқтисодиёт каби мах-сус атам ва тушунчаларни талаб қиладиган соҳаларда ҳам кенг қўлла-нилмоқда. Бу ўзбек тилининг имкони-ятлари кенглиги ва кундан-кунга яна-да ривож топиб бораётганидан яққол далолат беради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча да-ражадаги ташкилотлари томонидан давлат тилининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ёшлар онги-да она тилимиз, миллий рамзларим-изга нисбатан ҳурмат туйғусини янада ошириш, қадриятларимизни асраб-авайлашга кўмаклашишга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда она тилимиз халқ-нинг беназир маънавий бойлиги экан-и таъкидланмоқда.

ЎзМТДП фракцияси аъзолари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари

# Сирдарё вилояти: Фаоллик, ташаббускорлик ва ҳамкорлик

ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифалари ижросида муҳим аҳамиятга эга



Фаолият

## Ёшлар сафи кенгаймоқда

бу ЎзМТДПга ишончинг ортиб бораётганидан далолат

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида барча йўналишда мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, навқирон авлод вакиллари миллий анъаналар, қадрият ва урф-одатларимизга чуқур ҳурмат-эҳтиром, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу эзгу мақсад-вазифаларнинг амалга ошириш мамлакатимизнинг дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин эгаллашида муҳим аҳамият касб этади. Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий соҳалардаги тараққиётнинг энг муҳим омилidir. Шунинг учун ҳам ЎзМТДП гоёлари тарафдорларининг сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётир.

Партия Сирдарё вилоят ташкилоти фаолияти мисолида ҳам бунга гувоҳ бўлиш мумкин. — Партия вилоят кенгаши ўтказётган тадбир, давра суҳбати ва мулоқотлар партияимиз аъзолари сонининг ошишига хизмат қилаётир, — дейди ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Ўткир Бўронов. — Бугун вилоятда ЎзМТДП аъзолари сонини ўн мингга яқинлаштириш қолди. Уларнинг ярмидан кўпрогини ёшлар ташкилоти эътиборини инобатга олсак, тарафдорларимиз

тобора ёшариб бораётганини кўриш мумкин. Бундан ташқари, ЎзМТДПнинг ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган акция, куриктанлов ва лойиҳалари ҳам навқирон авлод вакиллари партияимизга хайрихоҳлигини оширмоқда. Бир мисол: жорий йилда бўлиб ўтган "Донолик ва ташаббускорлик — сибсий етакчилик мезони" лойиҳасининг туман ва шаҳар bosқичлари қирқдан зиёд ўғил-қизларнинг партияимизга аъзо бўлишига туртки бўлди. Танлов қўйиб bosқичларининг юқори савияда

ташкил этилгани ёшлар орасида партияимиз гоёларини янада кенг-роқ тарғиб қилиш имконини бермоқда. Шунингдек, партия вилоят кенгаши ўтказётган "Юртим тарихини ўрганаман", "Озод юртининг обод гўшаси" каби лойиҳалар ҳам аҳолига мақсад-вазифаларимиз мазмун-моҳиятини янада кенг-роқ тушунтиришга замин яратмоқда.

Мақсад-вазифаларимиз тарғиботи партия ташкилотлари ўтказётган тадбирлар сони, сифати ва аудиторияси билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун барча даражадаги партия ташкилотлари тадбирларини таъсирчан, ноанъанавий усуллардан фойдаланган ҳолда ташкил этишга ҳаракат қилияпти.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида партия гоёлари тарғиботига бағишланган мингга яқин тадбир ўтказилди. Уларнинг маҳалла фуқаролар йиғини, турли ташкилот ва муассасаларда ташкил этилаётгани бошланғич партия ташкилотлари сонининг кўпайишида ҳам муҳим омил бўлаётир. Жумладан, вилоятда

ўтган 9 ой мобайнида яна 20 янги бошланғич партия ташкилоти фаолият бошлади, уларнинг сони 320 тага етди. Мазкур куйи бўғинлар партия гоёларини янада кенг-роқ тарғиб-ташвиқ қилишда асосий восита вазифасини ўтамоқда.

Партия аъзолари ва бошланғич партия ташкилотлари сафининг кенгайтигани аҳолининг ЎзМТДПга ишончи мустаҳкамланаётганидан далолат. Буни ўтган сайлов натижалари ҳам яна бир бор исботлади. Сайловчиларнинг юксак ишончи туфайли бугунги кунда Сирдарё вилоятдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 1, халқ депутатлари вилоят Кенгашида 10, туман ва шаҳар Кенгашида эса 55 депутат фаолият кўрсатмоқда.

Вакиллик органларидаги депутатлар ЎзМТДП сайловолди дастурида белгиланган мақсад-вазифалар рўйи ва фуқаролар мурожаатлари асосида иш олиб бораётир. Шу мақсадда йил бошидан буён халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари 136 депутатлик сўровини амалга оширди. Маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларига 11 таклиф олиб чиқилиб, 15 мансабдор шахс ҳисоботи тингланди. Жумладан, партия гуруҳи халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига "Сирдарё вилоятида туризмни ривожлантириш"га доир ташаббус-масалани олиб чиққани алоҳида эътиборга эришди. Мазкур ташаббус вилоятдаги ма-

даный мерос объектларини асраш, тарихий қадимжолар, дам олиш масканларини янада обод қилиш, навқирон авлод вакиллари тарихимизни чуқур ўрганиш ва уларнинг бу борадаги билимларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Зотан, ЎзМТДП улкан салоҳияти ҳозирча тўлиқ ишга солинмаган туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантиришга қўмаклашиши ўзининг асосий вазифаларидан бири, деб билади.

Фуқаролар мурожаати асосида ЎзМТДПдан Гулистон шаҳар Кенгашига сайланган депутатларнинг сессияга киритган "Гулистон шаҳрида дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва ер ости сув сатҳини камайтириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида"ги ташаббуси эса шаҳар аҳолиси турмуш тарзи билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга хизмат қилади. Шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фуқаролар мурожаати асосида яна 100 га яқин масалани ижобий ҳал этишга фаол қатнашди. Депутатларнинг бу каби саъй-ҳаракатлари аҳоли орасида партия нуфузининг янада ошишига хизмат қилаётир.



Фаолият: факт ва рақамларда

- ✓ Сирдарё вилоятида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг 10 мингга яқин аъзоси бор
- ✓ Партия аъзоларининг ярмидан кўпрогини ёшлар ташкил этади
- ✓ Сирдарё вилоятдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 1, халқ депутатлари вилоят Кенгашида 10, туман ва шаҳар Кенгашида эса 55 депутат фаолият кўрсатмоқда
- ✓ Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар 136 депутатлик сўровини амалга оширди. Маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларига 11 таклиф олиб чиқилиб, 15 мансабдор шахс ҳисоботи тингланди
- ✓ Вилоятда жами 320 бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда.

## Партия аралашгач...

Аҳолини қизиқтираётган масалаларни ҳал этиш, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш барча даражадаги партия ташкилотлари ва ЎзМТДПдан сайланган депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

## Ечимсиз масала йўқ

бунда партия ташкилотлари ва депутатлар ҳамкорлиги муҳим ўрин тутаети

Партия ташкил этиётган тадбирлар, депутатларнинг аҳоли билан мулоқотлари ва бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида фарзанд тарбиясида оила ва маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатини ҳимоя қилиш, жойларда туризмни янада ривожлантириш, худудларни ободонлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш каби партия дастурий мақсад-вазифалари муҳокама қилиниб, улар билан боғлиқ муҳим масалалар партия гуруҳларининг ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлар сессияларида муҳокама этиляпти, қарорлар қабул қилинмоқда. Партиядан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар аҳоли билан ҳаммақдам бўлиб, уларнинг ўй-фикрларини ўрганишга, қизиқтираётган масалаларни ҳал қилишга интилоқда. Депутатларнинг аҳоли билан яқинлиги фуқароларнинг партияга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда. Энди улар ўзларини қизиқтираётган масалалар юзасидан бевосита партия ташкилотларида ҳам мурожаат этмоқда.

Сирдарё тумани "Баҳор" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Ботир Ҳасанов ҳамда Гузал кўчаларида яшовчи аҳоли партия вилоят Кенгашига худудни тоза ичимлик суви билан таъминлашга доир масала юзасидан мурожаат қилган. Хатда мугасадди идораларга бир неча бор мурожаат қилинган, аммо масала ҳали ҳам ҳал этилмаётгани, бу эса аҳоли учун қатор нуқулалик туғдираётгани ҳақида батафсил сўз юритилган. Мазкур мурожаат партия вилоят кенгаши томонидан ўрганиб чиқилди ва партия гуруҳига депутат сўровини амалга ошириш тавсия қилинди. Орадан кўп ўтмай, партиядан халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган Б.Исломова Сирдарё туман "Сувоқова" корхонаси раҳбари Т.Қаюмова Ботир Ҳасанов ҳамда Гузал кўчаларида истикомат қилувчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда амалий ёрдам бериш тўғрисида депутатлик сўрови билан чиқди. "Сувоқова" корхонаси директорининг жавоб хатида худуд аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ишлар яқин кунлар ичида бошланиши маълум қилинди.

ЎзМТДП Оқолтин туман кенгаши сайё-ҳаракати билан яна бир масала ўз ечимини тоғди. Партия туман кенгаши "Шодлик" қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолисини келган мурожаатни партия гуруҳига маълум қилди. Халқ депутатлари Оқолтин туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат О.Ўлжаева масалани ўрганиб, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси У.Аллабердиевга худудни тоза ичимлик суви билан таъминловчи сув ҳавзаси ва ер ости қувури яроқсиз ҳолга келгани тўғрисида депутат сўрови юборди. Депутат ўз сўровида масалани ҳал этишда халқимизга хос ҳашар йўлидан фойдаланиш таклифини билдирди. Натияжада ушбу масаланинг ҳал этилишига кенг аҳоли жалб қилинди, таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бугун "Шодлик" қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси партия ва депутат ҳамкорлиги натижасидан мамнун.

Вилоятда бундай анъик мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Партия нафақат ўз сайловолди Дастуридаги вазифалар, балки сайловчилардан аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш каби масалалар юзасидан келган мурожаатларни ҳам ҳал этишда фаоллик кўрсатаётир. Партиянинг аҳоли билан ҳаммақдам ва ҳамфикр бўлиб, жойлардаги масалаларни ўрганаётгани, уларнинг барча мурожаатига ечим топишга интилаётгани ЎзМТДПга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

лаҳатчисининг ваколатларини янада кенгайтиришга қаратилган ташаббус-масала лойиҳасини муҳокама қилияпти. Бу партияимиз сайловолди Платформасидаги мақсад-вазифалар ижросида муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоиз, мазкур куйи бўғин нафақат ташаббускор, балки партия гоёлари тарғиботида ҳам фаол иштирок этаётир. Бошланғич партия ташкилотининг "Мустақиллик — ҳаётимиз маъно-мазмун, миллий манфаатларимиз асоси ва фаровон турмуш гарови", "Маҳалла — маънавиятимиз бешиги, аъна ва қадриятларимиз маскани", "Миллий қадриятлар — олий неъмат", "Тинчлик ва

Саҳифани "Milliy tiklanish" муҳбири Ҳасан САЛОМОВ тайёрлади.

## ЎзМТДП дастури — амалда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сирдарё вилоят кенгаши партия лойиҳалари ва акцияларининг фаол иштирокчиси саналади. Улар воситасида ёшлар онг-шуурига боғ тарихимиз, маданий мерос объектларини асраб-авайлашни тарғиб қилиш ва сингдиришга ҳаракат қилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири вилоятнинг Ховос туманида жойлашган Ховос тепалиғида бўлиб ўтди. "Юртим тарихини ўрганаман" шiori остида "Тарихдан садо берувчи обод гўшалар" ёшлар акцияси маънавий қадриятлар, халқимизга хос урф-одат ва анъаналар, тарихий обидаларимизни асраб-авайлаш мақсадида ташкил этилди.

— Партия вилоят кенгашининг мазкур акцияси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди, — дейди Ховособод кишлоғи оқсоқоли Боймурод Азимов. — Мазкур акция нафақат аждодларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини яна бир бор намойён этишга имкон яратди, балки ёшларнинг маънавий оламини бойитиш, уларнинг тарихий қадимжоларимизга бўлган эътиборини кучайтиришга ҳам хизмат қилади. Бугун тепалик чин маънода кишлоғимизнинг фахр-ифтихориغا айланган. Нуруний отахон ва онахонларнинг зийратгоҳининг кечаги ва бугунги қиёфасини тақослаб айтган фикрлар ёшларни дорилмомон кунларимизнинг

қадрига етиб яшашга ундаши шубҳасиз. Акция доирасида 300 туп мевали ва манзарали дарахт экилди. Мазкур акция ЎзМТДП сайловолди Дастурида белгиланган мавжуд маданий ёдгорликларни, Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, мезморий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осори-атиқалар сифатида асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш каби мақсад-вазифалари ижросида муҳим ўрин тутаети.

Барча йўналишда миллий манфаатларни ҳимоя қилиши ўзининг устувор

## Партия лойиҳалари

кенг қулоч ёймоқда

вазифаси этиб белгиланган партия миллий халқ ўйинларини қайта тиклаш, унинг оммабоплигини янада ошириш борасида ҳам қатор акцияларни ўтказиб келаётир. ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ташкил этган миллий халқ ўйинлари фестивали ҳам ана шу мақсадга хизмат қилди. Ширин шаҳри "Нурчи" спорт иншоотида ташкил этилган фестивалда кураш, белбоғли кураш, турон яққа кураши каби спорт турлари бўйича халқаро мусобақалар голиб ва совриндорлари, мусобақат биринчилиги қатнашчилари, вилоятдаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари ҳамда умидли спортчилар иштирок этди.

— Спорт инсон иродасини тоблайди, — дейди фестивал иштирокчиси Д.Мусаев. — Жумладан, тош кўтариш спорт тури билан шуғулланаётган ёшлар сафи кенгайиб бораётганининг асосий сабаби ҳам шу. Тош кўтариш

бўйича турли мусобақаларнинг ташкил этилаётгани мазкур спорт турининг оммалашishiга хизмат қилмоқда. Партиянинг ушбу лойиҳаси ҳам ана шу мақсад рўйида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Мазкур тадбир доирасида "Оқ терак", "Арқон тортиш", "Минди", "Чиллак", "Варрак учирини" каби миллий ўйинларимиз бўйича ҳам мусобақалар ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, ЎзМТДП лойиҳалари ҳар бир йўналишда миллий манфаатларни ҳимоя қилишга, миллий қадриятларимиз, аъна ва урф-одатларимизни асрашга, миллий ўзлигимизни ангашга, ёшларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, миллий қадриятларимизга чуқур ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир. Бу эса партиянинг бош гоёси бўлган "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" шiorининг ёрқин амалий ифодасидир.

## Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Бошланғич ташкилотлар воситасида партия гоё ва мақсадларини тарғиб қилиш, электорат манфаатларини ифода этиш, партия ташкилотлари ва гуруҳларининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Боси, бошланғич партия ташкилотлари электорат билан елкама-елка туриб, уларнинг ўй-фикрлари, таклиф ва мулоҳазаларидан мунтазам хабардор бўлади. Ана шу мезон асосида иш олиб бораётган бошланғич ташкилотлар бугун Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг аҳоли орасидаги нуфузини мустаҳкамламоқда, хайрихоҳлар ва аъзолар сафининг кенгайишига муносиб ҳисса қўшаётир.

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгашида ҳам ташаббускор ва изланувчан, партия сайловолди Платформасини амалга оширишда фаоллик кўрсатаётган бошланғич ташкилотлар талай. Мазкур куйи бўғинлар партия гоёлари, дастурий мақсад-вази-

фаларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган ташаббусларни илган сураётир. Фуқаролик жамиятининг энг муҳим шартини қосибланган "ташаббус куйидан" ҳоидасини амалга татбиқ этишга интилаётган бошланғич партия ташкилотлари жойларда аҳоли

## ЎзМТДП гоёларининг оммалашishi

куйи бўғинларнинг самарали фаолиятига хизмат қилаётир

билан ҳаммақдам бўлишга, чекка худудларда партия гоёларини кенг тарғиб қилишга, электорат эҳтиёжларини ўрганиб, уларни ЎзМТДП кенгашлари ҳамда партия гуруҳларига таклиф сифатида олиб чиқишга интилоқда. Гулистон шаҳридаги "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғини етакчиси Азиза Зулфиқорова. — Маҳалла ва партия куйи бўғинлари ҳамкорлиги ана шу вазифалар ижросида муҳим аҳамият касб этаётир. Жумладан, оилавий келишмовчилик-

ларни ҳал этишда куйи бўғин ва маҳалла институтининг фаол ҳамкорлиги партиянинг ҳар қандай низони халқимизга хос бўлган тинч йўл билан ҳал этишга интилиш, мурося йўлини излаш, бу борада маҳалла хизматидан фойдаланиш каби мақсад-вазифаларига ҳаммақдам ва уйғун. Айна пайтда маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича мас-

лаҳатчисининг ваколатларини янада кенгайтиришга қаратилган ташаббус-масала лойиҳасини муҳокама қилияпти. Бу партияимиз сайловолди Платформасидаги мақсад-вазифалар ижросида муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоиз, мазкур куйи бўғин нафақат ташаббускор, балки партия гоёлари тарғиботида ҳам фаол иштирок этаётир. Бошланғич партия ташкилотининг "Мустақиллик — ҳаётимиз маъно-мазмун, миллий манфаатларимиз асоси ва фаровон турмуш гарови", "Маҳалла — маънавиятимиз бешиги, аъна ва қадриятларимиз маскани", "Миллий қадриятлар — олий неъмат", "Тинчлик ва

## Ташаббус натижа берди



# Тўйларимиз ихчам ва файзли ўтсин

халқ депутатлари Тайлоқ туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи тўй ва маросимларимиз билан боғлиқ масалани сессия кун тартибига олиб чиқди. Сессия бу ҳақда қарор қабул қилди

**< Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Олдинда хали бешик тўйи, суннат тўйи турибди. Бунинг устига яна буйи етиб қолган қизларим бўлса... Тўғриси, юрагим орқага тортиб кетди. Наҳотки, битта чақалоқни туғруқхонадан олиб чиқиш учун шунча ташвиш зарур бўлса?! Аслида айни пайт чақалоқ учун тўйимли она сутю эътибор ва парваришдан зарурроқ ташвиш борми?! Самарқанд вилояти Тайлоқ туманида яшовчи Нигора Мустафоева (исм-фамилияси ўзгартириб берилмоқда) партия туман кенгашига қилган мурожаатида шундай қийин жумбоққа ечим топишда ёрдам сўраган. Афсуски, бундай ҳолатлар мамлакатимиз маънавий ҳаётида бугун катта муаммага айланган. Тўғри, ўзбек халқининг асосий қазилари фарзандлар камоли, уларнинг бахт-саодати йўлида гамхўрлик қилишда кўпроқ намоеён бўлади. Кексаларимиз дуога қўл очганида ҳам беҳиз "Топганингиз тўйларга бюрсин", деймади. Бу халқимиз турмуш-тарзи, онгу-тафаккурига асрлар давомида сингиб кетган миллий қадриятимиз — тўйнинг аҳамияти нақадар юксак эканлигини дадалат. Ва эътиборлиси, бундай ҳикматли гап ҳеч бир халқнинг мақоллар ҳазинасию этимологик лугатида учрамайди.

Бугунги тўйларимиз ҳам халқимизнинг фаровон ва тўйин ҳаётидан дарак. Бироқ айрим тўйлар, маросимларда юқорида таъкидлангани каби исрофгарчилик, манманлик, ким ўзарга ҳаракат ҳолатлари боқий қадриятимиз ҳисобланмиш тўй ва бошқа маросимларимизни ортинча дабдаба ва ноўрин даҳмазалар томоҳасига айлантириб қўймаётганими?!

Шу ўринда айтиш жоиз, Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрдаги "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда тўй ва бошқа маросимлардаги дабдаба-бозлик, исрофгарчилик, ким ўзар ҳолатларининг олдини олишда муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Фармон ижросини таъминлаш мақсадида барча туман ва шаҳар ҳокимликлари тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилган. Бу борада ҳудудларда амалий ишлар олиб боришмоқда.

Халқ депутатлари Тайлоқ туман Кенгашининг V сессиясига ЎзМТДП гуруҳи ташаббус билан киритилган ҳудудда ўтказилаётган тўй ва маросимларни тартибга солиш тўғрисидаги масала ҳам ана шундай саъй-ҳаракатларнинг узвий давомидир. Тўғри, туманда тўй-ҳашамларни ихчамлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ижроси назоратга олинган, бироқ бу жараёнда масъулият ва ташаббускорлик фақат айрим мутасадди идоралар зиммасида қолиб кетмаслиги, балки ҳар бир таъкилот, ҳар бир фуқаро унинг ижросини таъминлашда муносиб иштирок этиши зарур. Сессия муҳокамасидан қўзланган мақсад ҳам аслида ана шу. Зеро, ЎзМТДП сайловли Платформасида оилалар ҳаётида ҳамон сақланиб қолаётган ноҳус ҳолатлар (тўй маросимларини ўта дабдабали қилиб ўтказиш ва исрофгарчиликка асосланган бошқа тадбирлар)га барҳам беришга қаратилган ишларда фаол иштирок этиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Партия гуруҳи масалани сессия муҳокамасига тайёрлаш жараёнида ана шу муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратди.

Ташаббус-масала юзасидан 5-Бахшита сайлов округидан халқ депутатлари Тайлоқ туман Кенгашига

лаштириш шу мақсадга хизмат қилади. Модомки шундай экан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва транспорт воситалари билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида йўлларда кимўзарга бўлаётган пойғаларга барҳам бериш пайти келди. Шу боис тўйда иштирок этадиган машиналарнинг нафақат сонига эътибор қаратиш, балки эътиборсизлик ва манманлик туфайли қондабозликка йўл қўётган автомобиль эгаларига қатъий чоралар кўриш, маҳалларда бу борада тушунтириш ишларини олиб бориш зарурати мавжуд. Партия гуруҳимиз илгари сураётган масалада мазкур жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайди.

Бир қарашда бу оддий масаладек кўриниши ҳам мумкин. Лекин тўй миллатнинг ўзлигини ва бугунги ҳаётини яққол намоеён этувчи кўзгу ҳисобланади. Бундай кўзгунини хира тортирмас-

лик, аксинча, унга янгича маъно-маънун бағишлаш, улар орқали бахтли оила пойдеворида замин яратиш, ҳар томонлама соғлом авлодни воёга етказиш — ниҳоятда долзарб масала. Шу боис бу жараёнда нафақат ЎзМТДП гуруҳи, балки бошқа сиёсий партия гуруҳлари, ижроси ҳокимияти идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларининг ҳам фаол иштирок этиши талаб этилади.

Муҳокама ва мунозаралардан сўнг халқ депутатлари Тайлоқ туман Кенгаши сессиясига мазкур масала юзасидан қарор қабул қилинди. Сессия қарориди тўй-ҳашамларни ихчамлаштиришга қаратилган меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, энг аввало, одамлар онгига сингирди, бир қатор мутасадди ташкилотлар, хусусан, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда исрофгарчилик, дабдабозлик, ким ўзар ҳолатларининг олдини олиш борасида аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш асосий вазифа этиб белгиланди. Мазкур қарор ижросини таъминлашда Хотин-қизлар кўмитаси, Маънавий тарбия маркази, "Маҳалла" хаврия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармасининг туман бўлимлари ҳамда ҳудуддаги барча ташкилот ва муассасалар ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориши зарурлиги таъкидланди.

### Шерали БЕҲБУДОВ, ЎзМТДП Тайлоқ туман кенгаши раиси ўринбосари:

— Тинчлик — фаровонлиқнинг муҳим омили. Хонадонларимиз тинч, кўнглимиз хотиржам, дастурхонимиз тўкин. Албатта, осийшталлик бор жойда тўй-тантана, шоду хуррамлик ҳам суради. Халқимиз янги оила қуришни тўй-тантана билан нишонлайди. Тўй-ҳашамлардаги ортинча исрофгарчиликларнинг олдини олишга қаратилган ушбу масала аввалроқ халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашида ҳам муҳокама қилинган эди. Натижада қатор идора ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги туфайли Самарқанд шаҳрида никоҳ тўйидан сўнг мухташам ресторонларда, 200-300 кишини йиғиб, ортинча дабдаба ва ҳаражат билан ўтказилаётган "толбон" деб аталувчи ("чарлари", "чақирди", "чорлов") маросимига чек қўйилди. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида ота-оналар масъулиятини оширишга жиддий аҳамият берилмоқда. Халқ депутатлари Тайлоқ туман Кенгашига ЎзМТДП гуруҳи киритган ташаббус-масала ҳам ижобий ечим топиш шубҳасиз. Чунки бу борада ЎзМТДП ташкилотлари, мутасадди идоралар ўзаро ҳамкорликда аҳоли орасида аллақачон тушунтириш ишларини бошлаб юборган. Маҳалларда ўтказилаётган тарбия-тушунтириш тадбирлари, давра сўхбатларида тўй ва бошқа маросимларнинг дабдабасиз, камхарж, камтарона ўтказилиши оилаларга катта энгиллик яратиши, қолаверса, одамларда кибр, мактанчоқлик, ёшларда боқимандалик каби салбий иллатларни, тўйдан сўнг пайдо бўлаётган кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишга муносиб ҳисса қўшиши таъкидланмоқда.

### Муслима ИСМОИЛОВА, "Сочакиболо" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:

— Инсон табиати ва дунёқарашидаги барча яхши хислатлар, аввало, оилادا шаклланади. Шундай экан, ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, муқаддас даргоҳ ҳисобланмиш оилани мустаҳкамлаш, улар қалби ва онгини миллий ҳаёт тарзимида ёт таъсирлардан ҳимоялаш, манманлик, исрофгарчилик, мактанчоқлик каби иллатлардан асраш барчамизнинг вазифамиздир. Фаолиятимиз давомида оилалардаги соғлом маънавий муҳитни асраш, ёш оилаларга кўмаклашиш, маҳалланинг оила ва таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлигини тобора кучайтиришга жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Буларнинг барчаси оилавий ажримлар, турли келишимовчиликлар, тўйлардаги исрофгарчиликларнинг олдини олишда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Тўйдан кейинги "чақирди", "ота кўрди", "юз очар" каби маросимлар ортинча ҳаражат ва дабдабозликдан бошқа нарса эмас. Вазифам тақозоси билан ҳар кунги қишлоғимиз, маҳалламиз аҳолиси билан сўхбатлашаман. Уларнинг қўнчилиги тўйишоларининг ким ўзарга бўлган иштиёқи бир-бирини камситишга олиб келаётганини, шохона тўй қилиб, сохта обрў ортиришга ҳаракат қилаётганлар эса бундай маросимлардан сўнг ҳам моддий, ҳам маънавий тангликка дучор бўлаётганини таъкидлайди. Уларга бундай ортинча сарф-ҳаражатлар оқибати ҳақида тушунтирсак, кимдир "отдан тушса ҳам, эгардан тушгиси келмайди", яъни, "мен сендан камми" қабилида иш тутишга мажбур бўлганини айтиб, афсусланади. Мазкур масала халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига киритилгандан сўнг ишларимиз кўлами янада кенгайди. Партия гуруҳи фаоллари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан изчил ҳамкорликда кўпгина хонадонларда индивидуал ҳамда оммавий тарзда очик мулоқотлар ўтказдик. Энг муҳими, саъй-ҳаракатларимиз бесағамар кетмаяпти: шу кунгача маҳалламиздаги иккита тўй ва битта дафн маросимини ортинча ҳаражатларсиз ўтказишга муваффақ бўлдик. Агар сессия қарори ижросига масъул барча идора ва ташкилот ўзаро ҳамкорликда изчил иш олиб бурса, дабдабозлик билан боғлиқ ҳар қандай иллатга буткул барҳам бериш мумкин.

Умида УЗОҚОВА, Ориф ҲОЛИҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбирлари

## Таҳлил

# Парламент назорати

давлат ҳокимиятини демократлаштиришнинг муҳим омили

**< Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Дарҳақиқат, парламентнинг назорат функциясидан унумли фойдаланиш мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги ҳамда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Амалдаги қонунларнинг вақт ўтиши билан эскирган, ишламаётган нормаларини чиқариб ташлаш, янги қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, бўшлиқлар, қарама-қаршиликларни аниқлаш, янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида назорат-таҳлил натижалари алоҳида аҳамиятга эга.

Парламент назорати — халқ ҳокимияти принципини амалга оширишни таъминлайдиган энг демократик назорат шакли ҳисобланади. Шу боис Олий Мажлис Қонунчилик палатаси жорий йилги фаолияти давомида парламент назоратини самарали амалга оширишга алоҳида эътибор қаратаётди. Қуйи палатанинг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари дастурида ҳам парламент назорати йўналишида муҳим вазифалар белгиланган. Бугунги амалиётда барча сиёсий партиялар фракциялари аъзолари парламент назоратининг турли шакли ва кўринишларидан самарали фойдаланиш, уларни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этишга интилоқда. Ушбу жараёнда ЎзМТДП фракциясининг иштироки ҳамда фракция аъзоларининг парламент назоратининг ҳуқуқий асослари, шакл ва усуллари хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

### Жаҳонгир ШИРИНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Маълумки, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати таъминлашида парламент асосий роль ўйнайди. Парламентнинг нафақат қонун ижодкорлиги, балки назорат функцияси борлигини таъкидлаш лозим. Бинобарин, 2011 ва 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор моддаларига қиритилган ўзгартиш ва қўшимчалар давлат бошқарувини демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишга қаратилган ислохотларни янги поғонага кўтариш, парламент назоратининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон қонунчилигида парламент назоратини мувофиқлаштирувчи, бошқа субъектлар билан муносабатларини тартибга солишчи янада норматив ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлмасда-да, бироқ Олий Мажлиснинг назорат функциясини у ёки бу даражада тартибга солиш туровчи ўндан ортин қонун ҳужжатлари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тартиби тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тартиби тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тартиби тўғрисида" қонунлари билан назорат-таҳлил тартибидаги муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланган. Янги қақриқдаги депутатлар ҳам бугунги кунга қадар бир неча соҳада ана шундай назорат-таҳлил ишларини амалга оширди. Бу жараёнда мутахассислар, олимлар ва экспертларни мунтазам жалб этиш яхши самара бераётди.

Мухтасар айтганда, парламент назоратининг барча шакл ва усуллари билан боғлиқ меъёрлар ўрганилди. Бу масалада олим ва мутахассисларнинг назарий ва амалий қарашлари ҳам эътиборга олинди. Шунингдек, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда йиғирмадан ортинқ хоржий давлатлар тажрибаси атроф-

лича таҳлил этилди. Ўрганишлар шунинг кўрсатмоқдаки, аксарият хоржий давлатларда парламент назоратига бағишланган махсус қонун мавжуд эмас. Парламент назорати оид айрим қондалар мамлакатлар Конституцияларида, парламентлар фаолиятини тартибга солишчи турли қонун ва регламентларда акс эттирилган.

"Парламент назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳасида парламент назоратининг асосий мақсади, принциплари, объект ва субъектлари, тадбирларни ташкиллаштириш услуби ва шакллари, парламент назоратини амалга оширишга тўқтинлик қилган шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги меъёр ва тушунчалар ифодаланмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши парламент назорати самарадорлигини таъминлашга, уни амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

### Жуманазар ОТАЖОНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Юртимизда ҳуқуқий соҳада амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар жараёнида ҳокимият тармоқлари бўлинишининг конституциявий принципини

изчил рўёбга чиқаришга, улар ўртасида ўзаро мувозанатни сақлашнинг самарали тизимини йўлга қўйишга, қонун чиқарувчи ҳокимият — мамлакат парламентининг роли, ваколатлари ва назорат функцияларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма ййгилишида парламентнинг назорат функцияси алоҳида тўхталиб, палаталар фаолиятига парламент назоратининг замонавий усуллари татбиқ қилиш лозимлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда парламент назорати турли шаклларда олиб борилади. Булар парламент эшитуви, парламент сўрови (Олий Мажлис депутати ва Сенати аъзосининг сўрови) ҳамда қонунчилик ҳужжатлари ва Давлат дастурлари ижроси аҳолини ўрганишдан иборат. Амалдаги қонунларга мувофиқ ҳуқуқат аъзоларининг ахбороти, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботи, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижросига доир маълумот фақат парламент эшитуви доирасида кўриб чиқиш мумкин. Масалан, Бюджет кодексининг 169-моддасига мувофиқ, Вазирилар Маҳкамаси тақдим этган Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари ва кўмиталарда муҳокама қилинади. Шундан сўнг бюджет ижроси ҳолати Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялли мажлисида кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинади.

Парламент назоратининг қонунчилик ҳужжатлари, Давлат дастурлари ижроси аҳолини бевосита ўрганиш шакли ҳам аслида миллий парламентимиз учун янгилик эмас. Олий Мажлис палаталари ҳар йили Ўз Дастури ва иш режасини тасдиқлаш жараёнида, албатта, назорат-таҳлил ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Шу асосда кўмиталар жойларда қонунлар ижросининг ҳолатини назорат-таҳлил тартибида ўрганади. Унинг натижалари эса кўмиталарнинг кенгайтирилган ййгилишида муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланган.

Мухтасар айтганда, парламент назорати доирасида амалга оширилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар қонун устуворлигини, жойларда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Давлат дастурлари ижросини таъминлашда, партия дастурий мақсад-вазифаларининг амалга оширилиши, электротимиз манфаатлари ҳимоя қилинишида муҳим аҳамиятга эга.

рати тўғрисида"ги қонун лойиҳасида тизимли ва аниқ белгилаб қўйлаётгани мазкур йўналишдаги фаолиятнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлайди.

### Жамила НИЁЗОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Қонун ижодкорлиги фаолиятини кучайтириш, партия дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, электротимиз манфаатларини ҳимоя қилишда парламент назорати

нинг ўрни ва аҳамияти муҳим. Шу нуқтага назардан ўтган йиллар давомида фракциямиз ташаббуси билан бир қанча парламент сўровлари ҳамда эшитувлари ташкил этилди. Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга доир чора-тадбирлар амалга оширилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотлари, "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг "Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилишининг бориши тўғрисида"ги ахбороти, халқ таълими вазирлигининг "Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳолати ва истикболлари, уларнинг педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда мазкур муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида"ги ахборотининг Қонунчилик палатаси мажлисида тинглангани ана шулар жумласидандир. Мазкур парламент эшитувида мактабгача таълим муассасаларининг аниқ пайтдаги фаолиятига оид, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлари, қўзда тутилаётган режалари, "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасидаги саъй-ҳаракатлари, соҳанинг қонунчилик базаси ва уни ижро этиш ҳолати ҳамда бу борадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни назарда тутувчи масалалар муҳокама этилди.

Бундан ташқари, фракциямиз қуйи палатанинг қатор кўмиталари билан ҳамкорликда ҳам эшитувлар ташкил этиб келмоқда. Масалан, ўтган йили ЎзМТДП фракцияси ташаббуси билан Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси ҳамкорлигида "Ўзархив" агентлигининг "Ўзбекистонда архив ишининг ҳолати ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.


Фракциянинг жорий ва кейинги йилларга мўлжалланган иш режасида ҳам парламент назорати йўналишида қатор вазифалар белгилаб олинган. Бугунга қадар кўмиталар билан ҳамкорликда Иқтисодий вазириликнинг Маҳаллилаштириш дастури доирасида амалга оширилаётган ҳамда тўғрисидаги ахбороти эшитилди. "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонуннинг Қоракалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятидаги ижроси, "Бутунжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция"нинг Сурхондарё вилоятидаги ижроси назорат-таҳлил тартибида ўрганилди. Шу билан бирга, келгусида фракциямиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг кенг қўламли дастурини амалга оширишнинг бориши тўғрисида"ги ахборотини эшитиш режалаштирилмоқда.

Мухтасар айтганда, парламент назорати доирасида амалга оширилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар қонун устуворлигини, жойларда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Давлат дастурлари ижросини таъминлашда, партия дастурий мақсад-вазифаларининг амалга оширилиши, электротимиз манфаатлари ҳимоя қилинишида муҳим аҳамиятга эга.

Мухтарома КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Туризм

Истиқлол йилларида мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, соҳа инфратузилмаси ва сервис хизматини янада яхшилаш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоғини изчил ривожлантириш мақса-синда янги-янги замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари барпо этилиб, сервис хизмати тубдан яхшиланаётир.



# Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти

барча тур ва йўналишда кенгайиб бормоқда

Буларнинг самарасида юртимизга хорижий сайёҳлар оқими янада ошиб, соҳада ҳўжалик юритувчи субъектлар сони кўпаймоқда. 2014 йилда юртимизда 50 мингдан зиёд ўринга эга 500 дан ортиқ меҳмонхона, мотель ва кемпинглар сайёҳларга халқаро стандартлар бўйича хизмат кўрсатди. Бундан тушган даромадлар 15 фоизга ўсди. Юртимизга дунёнинг юзга яқин давлатидан сайёҳлар ташриф буюради ва сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажми ҳам сезиларли даражада ошган. Бугунги кунда туризм соҳасида 200 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда, тармоқнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидagi улуши 2 фоиздан ошди.

ИЧКИ ВА ЭКО ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатнинг туристик имкониятларини рўйбга чиқариш кўп жиҳатдан ички туризм ривожига боғлиқ. Янги туристик маҳсулотлар, аввало, маҳаллий сайёҳларда кизиқиш уйғотиб, сўнгра уни хорижда тақдим этиш анча самарали экани жаҳон тажрибасида кўп бор исботланган. Масалан, жаҳон туриндустриясида етакчи ўринни эгаллаётган Испанияда аҳолининг 90 фоизи ўз мамлакатида саёҳат қилади.

Ички туризмни ривожлантириш мақсадида янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, тарихий-археологик боғлар барпо

кор ва макбул усулидир. Мисол учун, АҚШ фуқаролари ҳар йили кўриқхоналарга бориш ва ҳайвонот оламини томоша қилиш учун 50 миллион доллар сарфлар экан. Испанияликлар эса шу мақсадда кунга 50 евро харажат қилади. Германия ва Нидерландияда одамлардан холи ҳудудларда ёввойи табиат манзиллари ташкил этилмоқда. У ерларда Европанинг йирик отлари, Европа бизони, қизил бугу, силосвин ва айиқлар махсус кўпайтирилади. Европада ташкил қилинаётган кўриқхоналар майдони 120 минг квадрат метрга тенг.

Бу турдаги экотуризмни ривожлантириш учун Ўзбекистонда барча шароит бор. Мамлакатимизда 30 дан ортиқ муҳофаза қилинаётган табиат зоналари мавжуд. Уларда ёввойи табиат манзиллари ташкил этиш, биринчи навбатда, табиатни сақлаш, уни муҳофаза қилиш ишларини яхшилашга хизмат қилади, иккинчидан, экотуризмни ривожлантириб, иқтисодий фойда олиш имкониятини кенгайтиради.

ТРАНСПОРТ СИФАТИ — ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛИ

Ўзбекистонда сўнгги 5 йилда умумий қиймати қарийб 3 миллиард долларлик инвестициялар ҳисобидан узунлиги 2,6 минг километр бўлган замонавий автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш иш-

ма мақбуллиги, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ва умуман, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча хизматнинг қулайлиги, замонавий ахборот технологияларининг жорий этилгани бандлик масалаларини ҳал қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ


Ўзбекистондаги меъморий ёдгорликларнинг ўрта асрларга хос нақш ва безаклари Яқин Шарқ ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида янги иншоотларни қуришда намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Қуллоларимизнинг маҳоратини Франция, Германия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар мутахассислари ўрганмоқда.

Мамлакатимизнинг туристик салоҳияти жаҳон ҳамжамиятининг ҳам эътиборини тортиб келаётир. Хусусан, АҚШнинг инглиз ва француз тилларида фаолият кўрсатувчи, 80 миллион ўқувчига эга "The Huffington Post" интернет наشري эълон қилган энг яхши ва истиқболли сайёҳлик йўналишларига эга 15 давлат рўйхатида Ўзбекистон ҳам киритилган. Унда мамлакатимиз дунёнинг бой маданий марказларидан бири сифатида эътироф этилиб, бу ердан қадимда Буюк Ипак йўли ўтганлигига алоҳида ургу берилган: "Ўзбекистон Марказий Осиё марваридидир. Икки дарё оралиғида жойлашган ушбу давлат Буюк Ипак йўлининг энг муҳим бўғини саналган. Мамлакатдаги мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳити, ўзбек халқига хос меҳмондўстлик, шунингдек, кизикarli сайёҳлик маршрутлари, меҳмонхоналар ҳамда дам олиш масканлари, юксак сифатли хизмат дунёнинг турли бурчақларидан туристларни ўзига жалб этмоқда. Ўзбекистонда сайёҳларга Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари афсонавий шаҳарларни бориб кўришни тақлиф этишади. Чунки ушбу кентларда замонавий иншоотлар билан бирга, миллий анъана ҳамда қадриятларни ўзида мужасам этган шарқона бозор, гузар ва чойхоналар мавжуд. Расталардаги миллий матолар, айникса, эътиборни тортади. Ўз навбатида, буларнинг барчаси Буюк Ипак йўли даври ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Мамлакат пойтахти Тошкент ҳам бой тарихга эга бўлиб, бугунги кунда жадал тараққий этиб бораётган шаҳардир. Табиат ошувталари эса Ўзбекистон тоғлари, яшил водийлари гўзаллигидан баҳраманд бўлишлари мумкин..."

Ҳа, мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган туризм инфратузилмасини таркиб топтириш ва ривожлантириш бора-сида амалга ошириб келинаётган ислохотлар ўз ижобий натижаларини бермоқда. Юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятида кенг миқёсда эътироф этилиши, дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатлари билан ўзаро дўстона муносабатларнинг янада барқарорлашиб, туристлар оқимининг йил сайин ортиб бориши, юртимизда мавжуд янгида янги туризм имкониятларининг кашф этилаётганлиги ва бошқа шу каби ўзгаришлар фикримизнинг яққол далили бўла олади.

Мухтасар айтганда, туризм — мамлакат иқтисодиётининг муҳим бўғини ҳисобланади. Уни янада ривожлантириш, ички ва экотуризмни янги босқичга кўтариш бугуннинг долзарб вазифаларидан саналади. Энг муҳими, буларнинг барчаси Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловли Платформасида белгиланган иқтисодий соҳасидаги энг устувор мақсад-вазифалар билан ҳамоҳанг ва уйғун. Туризмни ривожлантириш борасидаги дастурий мақсад-вазифалар ижроси мамлакатимиз сайёҳлик хизмати маданияти ва сифатини янада ошириш, бозор талаблари тўлиқ жавоб берадиган туризм санатини юксалтириш, жаннатмакон юртимизга дунё ҳамжамияти эътиборини жалб этишга ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Фания АХМЕДШИНА, Жиззах давлат педагогика институтини профессори



этиш, қишлоқ жойларда туризм ва туристик хизматларни ривожлантириш, автомагистрал йўллар, сервис хизмати кўрсатиш мажмуаларини барпо этиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар юртдошларимизнинг мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилиши учун қулай шароит яратиш имконини бермоқда.

Ички туризм имкониятларини тарғиб қилиш, сайёҳлик базалари, дам олиш зоналари, пансионатлар, санаторийлар, курорт ва экосайёҳлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳудудлар иқтисодиётини мустаҳкамлашда уларнинг сайёҳлик имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда. Хар бир ҳудуд учун мўлжалланган махсус дастурга вилоят, туман, шаҳар ва қишлоқларда ички туризмни ривожлантиришга оид тадбирлар киритилган. Бунинг натижасида, масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах ва Хоразм вилоятларида бир нечта замонавий кемпинг, соғломлаштириш муассасалари ва ўтовлар барпо этилди, сайёҳларга турли хизматлар кўрсатиш учун барча имконият яратилди. Биргина мисол: Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги "2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги қарорига биноан "Улли ҳовли" қальаси замонавий сайёҳлик марказига айлантирилди, миллий ҳунармандлик, урф-одат ва анъаналарга оид экспонатлар билан бойитилди. Сайёҳларга тарихий обидалар, "Катта Ғазовот" канали соҳилида барпо этилган ёзги ва қишки оромгоҳларда табиат манзараларидан баҳраманд бўлиш, миллий таомларимиздан татиб кўриш имкониятлари яратилди. Бу сайёҳлар оқимининг янада кўпайишига хизмат қилаётир. Қисқа муддат ичида "Улли ҳовли"га мингдан зиёд чет эллик меҳмонлар ташриф буюрди.

Жаҳон сайёҳлик тизимида ёввойи табиат манзилларини ташкил этиш ва шу йўл билан йилдан-йилга талаб ошиб бораётган экотуризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги вақтда Европа Иттифоқи ёввойи табиатнинг флора ва фауна оламини ташкил этиш мақсадида қишлоқ ҳўжалиги майдонларида Африканинг ёввойи ҳайвонот оламини яратмоқда. Иқтисодчиларнинг фикрича, бу фойда олишнинг тез-

ри амалга оширилди. Шунингдек, кемпинглар, ёқилги қўйиш шохобчалари, овқатла-ниш ва маиший хизмат кўрсатиш масканларини ўз ичига олган кўплаб йўл бўйи инфра-тузилма объектлари барпо этилди. Ўтган даврда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Фарғона ва Навоий шаҳарлари аэропортлари модернизация қилинди. Бугун Ўзбекистонда 11 халқаро аэропорт фаолият юртимизда. Миллий авиакомпания замонавий "Эйрбас" ва "Боинг" авиалайнерлари билан таъминланган. Ушбу самолётлар Европа, Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Американинг 50 дан ортиқ шаҳарларига мунтазам парвозларни амалга оширмоқда.

Тошкент-Самарқанд йўналиши бўйлаб юқори тезликда ҳаракатланадиган замонавий электр поездлар эндиликда Қарши шаҳрига ҳам қатнай бошлади. Бу эса, ўз навбатида, воҳадаги туризм салоҳиятини янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Туризм соҳасидаги фаолиятни ривожлантириш аҳолининг ҳаёт даражаси, даромади ва фаровонлигининг ошиб бориши билан бевосита боғлиқ. Сайёҳлик инфратузилмасининг ривожлангани, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонла-



Сана

# Она каби мўътабар

Жаҳондаги бошқа халқлар каби ўзбек халқи кўп минг йиллик тарихга эга. Бу тарих бошқа ёдгорликлар қатори, она тилимиз — ўзбек тилида даврлар оша миллий гурур, ўзлигимиз ва дунёни англаш, миллий руҳ ифодачиси сифатида сақланиб, тараққий этиб келмоқда.

Тил халқнинг, миллатнинг тарихи, маданий мероси, турмуш тарзи, урф-одати ва анъаналарини ўзида мужасамлаштиради, аждодлардан авлодларга ўтишини таъминлайди.

Мустақиллик йилларида она тилимиз ўзининг тарихий илдизлари билан яна боғланди. Бу давр мобайнида тилимиз янада сайқал топиб, дунё тиллари орасида ўзига хос нуфузга эга бўлиб бормоқда. Бу иқтисод ва сиёсатда, тафаккур ва дунёқарашда миллий истиқлол гоёларининг тобора мустаҳкамланаётганлигидан ёрқин далолат. Унутил-ди бораётган ёки кемтик бўлиб қолган қадриятларимиз, миллий-тарихий хоти-рамыз қадамба-қадам тикланди, қарамлик, тобе-лик мафқураси чекинмоқда, ўзликни англаш, кадр-қимматини билиш, ягона давлат ва миллатга ман-сублик туйғулари онгимизга тобора сингиб бормоқ-да. Бир вақтлар "кўча тили", "уй тили", "бозор-ўчар тили" деб ҳақоратлан-ган она тилимиз бўй-бастини, қаддини тикла-моқда, ижтимоий турмуш-нинг барча соҳасида эркин қўлланмоқда, халқаро минбарларда янграмоқда.

Тилимизнинг луғат тар-кибида эскилик сарқитига чиқарилган сўзлар қайта тикланди. Унинг ички имкониятлари асосида кўп-кўп сўзлар яратилди. Тилимизнинг товуш қури-лишини нисбатан мукам-мал акс эттирадиган ёзув — лотин ёзувига ўтилди.

Истиқлол тарихимизга мурожаат қилар эканмиз, тил истиқлоли ҳам миллати-мизни, давлатимизни, маъ-навиятимизни бирлаштирув-чи, сафарбар этувчи улкан омиллардан бири бўлганини қайд этмоқ лозим. Буни Ватанимизда она тилига эътибор давлат сиёсати даражасига қўйилганининг натижаси дейиш мумкин.

Ўзбек тили мамлакатимиз-нинг етакчи илмий муассасаларида, барча олий ўқув юртларида янги тамойиллар асосида тадқиқ этилмоқда. Тилимизнинг миллий таби-атидан келиб чқувчи тадқи-қотлар кўлами кенгайиб бормоқда, ўзбек тилининг янги беш жилдик изоҳли луғати нашр этилди. Бу луғатда она тилимизнинг бойлиги, мукаммаллиги, беназирлиги тўлиқ бир тарзда ифода қилинган ва унинг нашр этилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Луғатнинг Давлат мукофотига тасвია этилиши ҳам она тилига бўлган эъти-борнинг бир кўринишидир.

АҚШ, Германия, Фран-ция, Англия, Хитой, Япо-ния, Жанубий Корея каби мамлакатларда ҳам ўзбек тилига бўлган қизиқиш йилдан йилга ортиб бормоқда.

Она тилимизнинг бугунги кунини ва мавқеи ҳақида гапирар эканмиз, унинг тарихи ва босиб ўтган йўлини ҳам эслаш жоиз. Ўзбек миллати ва она тилимиз кейинги минг йиллик давомида уч Уйғо-ниш даврини бошидан кечирди. Биринчиси — IX-XI асрларга тааллуқли. Бу ўзбекларнинг халқ сифати-да шаклланиш жараёни тугаллигига, камолига эришган бир даврдир. Марказий Осиёда IX-XII асрлар биринчи Уйғониш даври сифатида тавсифла-нади. Бунда Маҳмуд Кошгарий "Девони луғотит турк" асарини ёзди. Юсуф Хос Ҳожиб "Кутадғу билиг" асари билан туркий тил фасоҳатини намоён этди.

Иккинчи Уйғониш даври бешак — Теурийлар дав-рига доир. Бу салтанатнинг шуқуҳи, куч-қудрати, жаҳон сиёсатидаги бекиёс мавқеи ўзбек тилининг тақдирига ҳам улкан ижобий таъсир кўрсатди. Давлатнинг она тили ривожини кўллаб-қувватловчи сиёсати ту-файли жаҳон маданияти майдонида буюк Алишер Навоий пайдо бўлди. Али-шер Навоий ўзигача мав-жуд бўлган ўзбек тилининг ривожланишини янги кенг-ликларга олиб чиқди, адабий тилимизнинг асос-ларини белгилаб берди. Камситилган, таҳрирланган айрим кимсалар томонидан "кўпол тил", "уруш ва қилич тили", деб номланган ўзбек тилининг мавқеини тикла-ди, бу тилга жаҳон тиллари орасида "фуқаролик ҳуқуқи"ни олиб берди. Президентимиз Ислам Каримов Навоий шахрида улуг бобомиз ҳайкали очилиши тантанасида шундай деган эди: "Она тилига муҳаббат, уни улуг-лаш, бекиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу тафакку-римизга, юрагимизга, аввало, Навоий асарлари билан кириб келган".

Айнан шу даврда ўзбек тили қўлланилиш ҳудудла-рини кенгайтириб, Моваро-уннаҳр ва Хуросон билан бирга, Яқин Шарқ, Кавказ, Волгабўйи, Сибир ва Хитой ерларига етиб борди. Бу ҳақда Алишер Навоий "Ўзбек тили" ("турк алфози")-нинг имконияти ва бойлик-лари нақадар кенглигини, тўрт девон ("Ҳазойинул-маоний") ва "Ҳамса" асар-ларини шавқ ва завқ билан ёзганини, ўзбек назмида байроқ(қалам) кўтариб, мамлакатни бир тил (қалам) остига бирлаштирганини, қўшин тортмай (черик чекмай) Хитойдин Хуросон-гача бўлган ерларни ўз фармони (адабий-маданий бирик) остига олганини фахр ва гурур билан шеъ-рий сатрларда баён этади.

Навоий даври ўзбек маданияти ҳақида фикр юритар экан, бу маданият-нинг жаҳоншумул аҳамияти хусусида атоқли адиб Чингиз Айтматов ўтган асрнинг 80-йилларида эълон қилинган "Яшнаб-яшариш дарахти" мақола-сида: "Византия маданияти славян маданиятига қай даражада таъсир ўтказган бўлса, ўзбек маданияти ҳам Марказий Осиё халқла-ри маданиятига шу даража-да таъсир ўтказган" деб таъкидлаган эди. Жаҳон ҳамжамияти бўстонида улкан чинордек яшнаб-яшараётган маданиятимиз, она тилимиз теран илдиз-лари билан бир неча аср-лар қаърига бориб туташа-ди. Бу тил қадимги анъана-лар, халқ оғзаки ижоди, халқ шева ва лаҳжалари, қўхна ёзув ёдгорликлари, оғзаки нутқ, илмий-бадий адабиётнинг энг яхши ютуқларини ўзига сингди-рган бой миллий-адабий тиллардан биридир. Ўзбек тили кўп миллионли аҳоли учун она тили, ардоқли ва эъзозли тилдир.

Ўзбек миллати турли хил ва шаклдаги мустамлака-чилик сиёсатида қарамас-да, асрлар оша ўз тили, урф-одатлари, қадриятла-рини авайлаб сақлаб келди. Унинг Маҳмуд Кошгарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Атоий, Сақокий, Лутфий, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Оғаҳий, Фуркат, Муқимий, Абдулла Қоди-рий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Фафур Фулом каби

минглаб фидойи ва дониш-манд фарзандлари она тилининг эътибори, мав-қеи, тозаллиги, тушунарли бўлиши, миллий асосдан узоқлашмаслиги учун кураш олиб бордилар, ўзбек тилининг нафақат миллий, балки умуминсо-ний, умумбашарий тушунча ва қадриятларини ҳам ифо-далай олиш қобилияти ҳеч бир тилдан қолишмаслиги-ни амалда исботладилар.

Учинчи Уйғониш даври — 1991 йилдан бошланган янги давр — мустақиллик даври арафасида, яъни 1989 йил-нинг 21 октябрида Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида "Давлат тили ҳақида"ги қонун-нинг қабул қилиниши билан халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарди. Ўзбек тилининг давлат тили сифатида ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётимиздаги мавқеи юксалди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида тилимиз ўз миллий асосларига қайта бошлади, ўзбек тили мил-лат ҳаётининг иқтисод, сиёсат, маънавият ва маърифат каби соҳаларида ўзининг теран илдизлари билан туташмоқда, ўзга тил таъсири остида фикр-лаш одати сусайиб, мил-лий тилимизга хос руҳ, сўзлаш одоби, нутқий дид тикланмоқда, шунга биноан, айрим зиёлилари-миз онгига гап қуришининг ўзга тил қоллилари ўрнини миллий тил — ўзбек тили қоллилари эгалламоқда.

Янги даврда Ўзбек тили-нинг мулоқот воситаси бўлиш, ахборот алмашиш вазифаси билан бирга, сафарбар этувчилик, бутун жамиятга маърифий-тарбиявий таъсир кўрса-тиш, аждодлар, салафлар таърибасини ҳозирги авлодларга етказиш каби вазифалари жуда фаол-лашди. Тарихан ноҳақ, унутилган, "ески" тамғаси урилган — иймон, фуқаро, муҳаррир, сўғурта, исло-ҳот, таътил, физоз, мумотоз, алифбо, бадал(взнос), манзил (адрес) каби кўп-кўп сўзлар яна ишлати-ла бошланди, сўровнома (анкета), нархнома (прейс-курент), тавсифнома(ха-рактеристика), чегирма (скидка), жўнатма (посыл-ка), божхона (таможня) каби сўзлар нутқимиздан доимий ўрин олмоқда.

Ҳозирги даврнинг муҳим вазифаларидан бири — зиёлиларимизнинг тил ривожига онгли аралashi, адабий меъёр, нутқ мадания-ти ва одоби масалаларига доимий эътибор ҳамда талабчанлик кўрсатишлари ҳисобланади. Таассуфки, айрим соҳаларда бошқа тилларга оид сўзларни ноўрин ишлатиш ҳоллари давом этмоқда. Радио, телевидение, газета ва журналларда адабий меъёр ва услубга мос келмайдиган, мантиқсиз жумлаларни, шеваларга оид сўзларни эшитиш, учратиш мумкин. Булар она тилига, умуммил-лий маданиятимизга нисба-тан лоқайдлик аломатидир.

Она тилимизнинг тоза-лиги, аниқлиги, мукаммал-лиги, тушунарли, содда ва раvon бўлиши ҳар бири-мизга ҳам боғлиқлигини унутмаслигимиз зарур.

Тил — миллатнинг бор-лиги, миллий-маънавий қиёфаси, руҳиятидир. Бу қиёфа, бу руҳият миллат-нинг тани ва жони экан, у парварши, эътибор ва гамхўрликка доимо муҳ-тождир. Зеро, она тилимиз она каби суюкли, ота каби ўқтам, Ватан каби ардоқли бўлиб қолаверади.

Турсунали МИРЗАКУЛОВ, Филология фанлари доктори, Навоий давлат кончилиқ институтини профессори, ЎЗМТДП Олмалиқ шаҳар кенгаши аъзоси

Медиа-тур



Мактабдан ташқари таълим

баркамол авлод тарбиясида муҳим омилдир

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш, уларнинг ижодий-интеллектуал қобилиятини ривожлантириш ва рўёбга чиқариш буйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда мактабдан ташқари таълим масканлари фаолиятини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этишни таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Халқ таълими вазирилик ташаббуси билан пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 319-умумтаълим мактаби, 5-болалар мусиқа ва санъат мактабиди ташкил этилган медиа-турда бу жиҳатлар яна бир бор ўз ибодатини топди. Журналистлар ушбу таълим масканларидаги фан тўғрисида, турили машғулотлар, спорт секциялари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Мазкур мактабда айни пайтда 604 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Таълим даргоҳига қадам қўйишнинг билан ўзгача файзи хис этасиз. Кираверини бизни туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда мактаб мутасаддилари, ўқувчилар қарши олди.

— Бугун сизларни туманимиздаги оддий мактабларнинг бирида ўқувчилар учун яратилган шароитлар, тўғрақлар фаолияти билан таништиришмоқчимиз, — деди Яккасарой туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Равшан Эргашев. — Туманимиздаги барча 41 таълим муассасасида тенг шароит ва имкониятлар мавжуд. Мақсади — ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, билим олишга бўлган иштиёқини оши-

риш, ёшларни жисмонан ва маънан етук инсонлар этиб вояга етказишдан иборат.

Тўғрақларнинг деярли барчаси иккинчи қаватда, ўз йўналишига қараб жиҳозланган, ўқув ва меҳнат қуроллари, замонавий ўқув-ахборот технологиялари ага махсус хоналарда ўтказилаётди. Улар анча гавжум: ҳар бирида 10-15 нафар ўқувчи маҳорат ошироқда.

Журналистларни дастлаб, чет тиллар тўғрисида бошлашди. "Bravo English" деб номланган тўғрақда инглиз тилида бийрон сўзла-



Сардор МУЛЛАЖОНОВ оёқ суратлар

шаётган ўғил-қизларни учратдик. Уларнинг бирини сўхбатга тортидик. — Бир ҳафтада уч марта, дарсдан сўнг инглиз тилини ўрганилман, — дейди 5-синф ўқувчиси Хадича Болтаева. — Ҳозир инглиз тилидаги анча сўзларни ёддан биламан. Устозимиз Наргиза опа хайвонлар, қўшлар, гулларнинг номларини суратлар ёрдамида ўргатгани учун ҳам тезда ўзлаштириб оламан. Дадан менга келажакда яхши касбни эгаллашим учун чет тилларини пухта ўрганишим кераклигини айтган. Шунинг учун ҳам инглиз тилини кунт билан ўрганилман...

Математика фани буйича ўтказилган "ажиб ҳисоб" тўғраги болаларни нафақат математик амаллар бажариш, балки мантиқий фикрлашга ҳам ўргатишга йўналтирилган. Буни синов кўриш учун журналистлар ўқувчиларга бир неча мантиқий савол бериб, қониқарли жавоб олди.

— Ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш маънавий етукликни таъминлашда жуда муҳим, — дейди мактаб директори Саёҳат Тошматова. — Шунинг учун ҳам мактабимизда тўғрақларнинг самарали фаолият кўрсатишига алоҳида эътибор қаратамиз. 36 педагог "ёш расмлар", "баркамол авлод", "ёш дас-турчи", "тўқувчилик", "рак" каби 35 тўғрақда ёшларнинг мактабдан ташқари таълим олишини таъминлаётди. Ҳар бир таълим муассасида фанлар буйича дарсдан ташқари қўшимча машғулотлар жадвали ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда мунтазам машғулотлар ўтказилаётди. Шунингдек, мактабимиздаги "Истеъдодниҳоллар" ёшлар-театр студияси ҳам 40 дан зиёд ёшларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларнинг спорт билан шуғулланиши, уларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш учун зарур шароитлар ва имкониятлар яратилган. Ҳў навбатиде, спортчиларимизнинг ўзлар маълумотида эришяётган ютуқлари салмоғи ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Муваффақиятларнинг сабаби эса оддий: спортга эътибор мактаблардан бошланмоқда. 319-умумтаълим мактабиде ҳам спорт

секциялари фаолияти алоҳида эътиборга молик. Яқинда 9-синф ўқувчиси Шухрат Алиманов гандбол буйича терма жамоамиз таркибиде халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этди.

Мактабда спортнинг бир қанча турлари буйича тўғрақлар фаолият кўрсатмоқда.

— Абдулла Тангриев, Ришод Собиров каби полвонларга ҳавас қиламан, — дейди 5-синф ўқувчиси Лазиз Шарофидинов. — Шунинг учун айнан дзюдо тўғрагини танладим. Мақсадим — жаҳон ареналарида Ватанимиз байроғини баланд кўтариш.

Шахмат ва шашка тўғрақлари ҳам анча гавжум. Шахмат тўғраги раҳбари Жамшид Абдуллаевнинг айтишича, ёш шахматчилар "Умид ниҳоллари" мусобақаларида муносиб иштирок этиб келмоқда. Бу ерда шахматнинг энг кичик элементидан то энг қийин усулларгача ўргатилади.

Медиа-тур иштирокчилари тумандаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабиде бўлиб, у ерда ўқувчи ёшлар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишдилар. Мазкур муассасида ҳам болаларнинг бўш вақтларидан мазмунли ва самарали фойдаланишга қаратилган турили фан тўғрақлари, бадий гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилган. Мактабда мусиқа ва санъатнинг ўн йўналиши, жумладан, фортепьяно, скрипка, ўзбек халқ чолғу асбоблари, хореография каби йўналишлар буйича машғулотлар олиб борилади.

Мактабда таҳсил олаётган иқтидорли ўқувчилар "Камалат юлдузлари", "Мардлар кўриқлайди Ватани!", "Ягонасан, муқаддас Ватан!" каби кўрик-танловлар, санъат фестивалларида муваффақиятли иштирок этиб келаятгани, айниқса, эътиборга молик.

— Доира чалиш — энг семимли машғулоти, — дейди 5-синф ўқувчиси Шаҳобзох Шукруллаев. — Бу йил Италияда бўлиб ўтган халқаро фестивалда голиб бўлдим. Бунда, айниқса, устозларимнинг хиссаси катта.

Медиа-тур якунида Халқ таълими вазирилик мутасаддилари иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

...Мактабдан қайтар эканмиз, ёши улуроқ ҳамкасбимизнинг айтган сўзлари қулоққа чалинди: "Бугунги ёшларнинг бахтини қаранг. Биз ўқиган давр билан бугунги давр мактабини хатто таққослаб ҳам бўлмайди. Мактабни тўғрақ нималигини билмай тугатганмиз. Энг муҳими, бу каби тўғрақлар ўқувчиларнинг бўш вақтини тўғри ва унумли ташкил этиш билан бирга, ўғил-қизларнинг келажакда касб танлашида муҳим ўрин тутди".

Аҳмад ЮСУПОВ, "Milliy tiklanish" муҳбири

Депутат нигоҳи

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 4-модда.

Тилимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш барчамизнинг бурчимиз

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида ўзбек тилининг мавқеи мустаҳкамлангани, шу билан бирга бошқа тилларнинг ривожланишини кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилгани "Давлат тили ҳақида" - ги қонуннинг бағрикенг халқимиз азалий қадриятлари билан йўғрилганидан далолатдир.

Дунёдаги барча миллат ва элатлар узок даврлардан буюн шаклланиб, ажодлари томонидан улуғлини келган тилини асраб-авайлайди, уни ривожлантиради, келажак авлодларга етказди. Шу маънода ўзбек тилининг давлат тили мақомини олиши ва ҳаётимизнинг маъно-маъмуни, халқимизнинг эзгу интилишлари, беғубор орзулари, ёруғ мақсад-муддаолари, истиқбол билан ҳамоҳанг юксалиши ўзига хос тарихий жараён маҳсулидир.

1989 йилнинг 21 октябрыда Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида "Давлат тили ҳақида" ги қонуннинг қабул қилиниши халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарди. Ўзбек тилининг давлат тили сифатида ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётимиздаги мавқеи юксалди. Мазкур қонун халқимизнинг ўзига хослигини белгилаб берадиган она тилимизнинг ҳуқуқий мақомга эришишига улкан замин яратди. Ўзбек тилининг ўзига хос жозибасидан, бой луғатидан фойдаланиш билан унинг бор буй-бастини намоен этишга, илмий асосда ўрганиш ҳамда янги-янги атамалар, сўзлар билан тўлдириб бориш учун кенг имкониятлар ҳозирлади.

"Давлат тили ҳақида" ги қонун давлат бошқарувида, ижтимоий ҳаётда, халқаро ва миллатлараро муносабатларда, ишлаб чиқаришда, судлов ишларида, нотариал ҳаракатларда, фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатларда, ахборот олиш ҳамда инсон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бошқа муносабатларда давлат тили ва бошқа тилларнинг қўланилишини тартибга солиб келаятир. Қонунда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари давлат тилида қабул қилиниб, шу тилда ва бошқа тилларда эълон қилинишининг белгилаб қўйилгани мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва элат вакилларига нафақат ўз тилларидан эркин фойдаланишига, балки мамлакатимизда олиб борилаётган ишлохотларнинг ҳуқуқий асосларидан ўз вақтида бохабар бўлиши, қонун нормаларини тўғри талқин қилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қонунда давлат ҳокимияти, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларида иш юритиш, ҳужжатлар қабул қилиш давлат тилида амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилгани ҳолда ушбу ҳужжатлар бошқа тилларга таржима қилиниши ва эълон қилиниши, маҳаллий ҳокимият ҳужжатлари муайян миллат вакиллари зич яшайди-ди жойларда мазкур миллат тилида қабул қилиниши ва эълон этилиши уларга ўз тилларидан фойдаланишида кенг имкониятлар яратди.

Қонун нормаларига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида яшовчи шахсларга давлат ташкилотлари ва муассасаларига, жамоат бирлашмаларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан давлат

Матбуот анжумани

2014-2015 йилнинг шу даврига қадар "Ўзархив" агентлиги ҳамда архивларга Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали жами 1300 га яқин сўров келиб тушган. Жорий йилнинг 9 ойи давомида агентликка 122 та, архивларга эса 1149 та сўров юборилган.

Архив иши такомиллашмоқда

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида "Ўзархив" агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилган "Архивларга келиб тушаётган сўровлар ижроси ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари порталида архив хизматларини кўрсатиш масалалари" мавзусидаги матбуот анжуманида маълум қилинди.

Тадбирда мамлакатимизда халқимиз маънавиятини юксалтириш, фуқароларнинг ахборот олишга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга доимий эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу борада "Архив иши тўғрисида" ги, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида" ги, "Маданый мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида" ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида" ги қонунлар ва бошқа меврий ҳужжатлар соҳа ривожига муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

— Халқимизнинг ижтимоий, илмий-маданый ахборотлар ва маълумотларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, миллий архив фондини ҳисобга олиш ва улардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — деди "Ўзархив" агентлиги бош директори ўринбосари Дилдора

тилида ва бошқа тилларда мурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланган. Бу ҳам бошқа миллат ва элатлар вакилларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда энгиллик туғдиради. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликларини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, ноширлик, реклама фаолиятида ҳам давлат тили билан бир қаторда бошқа тилларга етарлича шароит яратилишига эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси "Давлат тили ҳақида" ги қонуннинг жойлардаги ижросини ўрганиш орқали уни ҳаётий тажрибалар асосида такомиллаштириш борасида фаолият олиб бормоқда. Шу мақсадда ўтган даврда назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилди, давра сўхбатлари ташкил этилиб, экспертлар, соҳа мутахассислари иштирокида мутасаддилар билан қонун талаблари ижросини таъминлашга оид муҳокамалар ўтказиб келинмоқда.

Давлат тили ва бошқа тилларнинг ривожланишида таълим муассасалари муҳим роль ўйнайди. Қонунга мувофиқ мактабга таълим муассасалари давлат тилида фаолият кўрсатиши билан бирга, бошқа миллат вакиллари зич яшайдиган жойларда уларнинг ўз тилларида фаолият кўрсатадиган мактабга таълим муассасалари ташкил этилиши таъминланиши белгиланган.

Мамлакатимизда яшовчи фуқароларга таълим олиш, тилини эркин танлаш ҳуқуқи берилган, ушбу ҳуқуқларни рўёбга чиқариш мақсадида давлат тили ва бошқа тилларда умумий, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий маълумот олиш кафолатланган. Мамлакатимизда мактаб таълими 7 тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилмоқда.

Олий ўқув юртыларида айрим махсус фанларни, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар буйича ўқиш чет тилларда олиб борилишининг ташкил этилиши, чет эл олий ўқув юртылари филиалларининг юртимизда фаолият юритиши шароитлар яратиб берилиши, битирув-малакавий ишлар, магистрлик ва докторлик диссертацияларини давлат тилида ёки бошқа тилда ёзиши ва ҳимоя қилиши мумкинлиги чет тилларнинг мамлакатимизда кенг қўланилишини қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш керакики, ўзбек тилининг давлат тили сифатида амалдаги илмий қоидаларига риоя этилишида ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Хусусан, шахрлар қўчаларидаги эълонлар, бекатлар номлари, улардаги бошқа ёзувлар, умуман, ташқи ёзувларда "Давлат тили ҳақида" ги қонун талабларидан четга чиқиш, сўзларни хато ёзиш оддий ҳолга айланиб қолмоқда. Айни пайтда қўмита аъзолари "Ташқи ёзувлар тўғрисида" ги қонун лойиҳаси устида иш олиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, "Давлат тили ҳақида" ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш ва унинг нуфузини мустаҳкамлаш миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ҳамда эътиқодидан қатъи назар, барча фуқароларнинг бурчидир. Амалдаги қонун нормалари бизни ана шунга ундайди.

Ўрол ХАЙИТОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

Конференция

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш

ҳар бир фуқаронинг масъуллиги талаб этилади

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб, сайёрамиз аҳолисининг 30 фолидан зиёди тўлақонли овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Натижанда 160 миллиондан ортиқ болаларда буй ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишга доир камчиликлар кузатишмоқда. Шу боис ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи инсоният учун долзарб вазифалардан бўлиб қоляптир.

— Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш янада кучайтириш, аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, таъминлаш, замонавий технологиялар асосида интенсив равоқ барпо этишни янада кенгайтиришга қаратилган қатор қарор ва аниқ манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг татбиқ этилиши натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этмоқда, бу кўрсаткич 1991 йилга нисбатан олиб қараганда 10 баравар ўсганини кўрсатади.

Ўтган йилнинг 5-6 июни кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишни муҳим заҳиралари" мавзусидаги халқаро конференцияда мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш буйича мамлакатимизда тўпланган тажриба ва салоҳиятни қўллаб ҳорижий экспертлар алоҳида эътироф этишди. Бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, аҳолини сифатли ҳамда хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга эришиш бугунги кундаги асосий вазифалардан саналади.

Мазкур йўналишда олиб борилаётган фаолиятни янада такомиллаштириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда соҳанинг етакчи мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи Ўзбекистон Республикасининг "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида" ги қонунининг жойлардаги ижросини ўрганди. Таҳлилий ўрганишлар асосида "Ўзбекистон Республикасининг "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида" ги қонунининг ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор янги тушунча ва қўшимчалар, соҳада эътибор қаратилиши лозим бўлган кўпгина меъёрулар ўз аксини топмоқда.


Умида УЗОКОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

Аҳмад МЕНГЛИМУРОВО, "Milliy tiklanish" муҳбири

Бизнинг шарҳ

# “Роботлар тамаддуни”

ёхуд бугунги “темир одам”лар нималарга қодир?



*Тарих шундан далолат берадики, инсон ўзининг ақл-заковати билан дастлабки меҳнат қуролларини ўйлаб топшдан, алгоритм ва нанозаррачалар, замонавий инновацион компьютер, супер микроэлектрон, биологик, ген муҳандислиги, қуёш ва бошқа юқори технологияларни кашф этишгача бўлган мураккаб йўлни босиб ўтди...*

ни роботлар бажарадиган “Неп-па” меҳмонхонаси очилди. Меҳмонхонада бор-йўги 10 ходим фаолият юритади. “Kokoro” компанияси ишлаб чиқарган роботлар меҳмонларни кутиб олиб, кузатиб қўяди. Қолаверса, улар одамлар билан мулоқотга кириша олади. Баъзи роботлар эса бир неча тилда гаплаша олади.



## ШИФОКОРЛИККА “ДАВВО ҚИЛАЁТГАН” РОБОТЛАР

Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳамширалар беморни бир кунда қирқ мартагача ногиронлар аравачасидан ўз ўрнига, ундан аравачага ўтқишларкан. Бироқ бундай ишлар япон олимлари ясаган “RIBA” робот-санитарини учун чўт эмас. Уддабурон робот беморни ҳеч қандай қийинчиликсиз аравачадан ўз ўрнига ўтказиб қўя олади. У беморни олиб юриш, лозим бўлганда, ногиронлар аравачасини бир жойдан иккинчи жойга ўтқишсини бемалол уддалайди.


“Toshiba” компанияси ишлаб чиқарган “Aiko” роботини кўриб, уни ростакам одам деб ўйлайсиз. “Aiko”га имо-ишораларни бошқарувчи 43 двигател ўрнатилган. Робот кўзини пирпиратиши, сўхбатлашиши, қўли ва бошини ҳаракатлантириши, лабларини қимирлатиши, ҳиссиётларини ифодалашини, бир сўз билан айтганда, ўзини худди инсон каби тутиши мумкин. Компания мутахассисларининг фикрича, бундай роботлардан тиббиёт муассасаларида, клиника ҳамда қариялар уйида ҳамшира ўрнида фойдаланиш қўлай: у ўзига бириктирилган беморни назорат қилиш, аҳоли ёмонлашганда буни тезда аниқлаш имкониятига эга. Уларнинг инсонга ўхшатиб ишлангани, табиийки, беморларда унга нисбатан ишонч ўйотади.

Тиббиёт микророботлари инсон танасининг ичида фаолият юритишга мўлжалланган. Улардан дори воситасини қон айланиш тизими орқали касалланган аъзоларга етказиш учун фойдаланилади. Улар, айниқса, саратон хасталигини даволашда қўл келмоқда. Мазкур усул ёрдамида дори воситасини хасталанган аъзоларга юбориш аъёнаний кимберталиянинг ҳалокати таъсиридан халос бўлиш имконини беради. Бундай роботлар “биороботлар” деб юритилади. Уларнинг узунлиги — 20 микрометр бўлиб, алюминий қобик билан ўралган титан ядродан иборат. Алюминий водород билан реакцияга кириши билан қобик сиртида водород қўлиги ҳосил бўлади. Айнан шу нарса конструкцияси олдинга ҳаракатлантиради. Ҳаракатланиш йўналиши эса ташқи магнит майдони воситасида юзга келтирилади.

“Intuitive Surgical” компанияси ишлаб чиқарган “да Винчи” роботи дунёнинг юзлаб тиббиёт клиникаларида мураккаб операциялар жараёнида шифокорларнинг асосий қўмақчисига айланган бўлиб, ундан даставвал Исроилда жарроҳлик амалиётида фойдаланилди. Бир неча муваффақиятли операциялардан кейин дунё миқёсида унга талаб ошди. Робот тўртта “қўл” — манипуляторга эга. Жарроҳ операция вақтида роботни жойстик воситасида бошқариб, унинг қўли ва бармоқларини ҳаракатга келтирилади. Манипуляторлардан иккинчиси бевосита жарроҳ, учинчиси ҳамшира ролини бажаради. Тўртинчи манипуляторда эса камера ўрнатилган. Жарроҳлик амалиёти вақтида манипуляторлардан одамнинг қўлига қўйиб аъзоларни операция қилишда фойдаланилмоқда. Роботлар мустақил равишда операция қила олмайдиган бўлиб, бироқ улар шифокорларнинг операция пайтида хатога йўл қўйиш хавфини камайтириш имконини беради. Сабаби, робот аниқ дастур асосида ишлайди. Жарроҳнинг қўллари қалтираб кетган тақдирда ҳам робот буни дарҳол пайкаб, шифокорни огоҳ этади.

## СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ, ЧЕКЛАНГАН ИДРОК

Айрим мутахассислар роботлар келажак-



Қўл меҳнатида инсон ўрнини босиши мумкин бўлган илк машина лойиҳаси машҳур мусаввир Леонардо да Винчига тегишлидир. У худди инсон каби ўтириб-турадиган, қўлини қимирлатадиган, бошини бура оладиган қандайдир меҳнатнинг андозасини чизган. Аслида бу роботнинг илк ибтидоий кўриниши эди. Фақат бу лойиҳанинг амалга ошгани ёки ошмагани ҳақида номуълум. “Робот” атамаси эса ўтган асрнинг 20-йилларида кириб келди. Бу сўз чех тилидаги “робота” — “огир қора меҳнат” деган сўздан келиб чиққан. Чех ёзувчиси Карел Чапек ўзининг “R.U.R.” ҳужоюсида бу атамани илк бор қўллаган. Бугун эса роботлар рўзгоримизнинг ажралмас қисмига айланган бўлиб, кўпчиликнинг хонадонимизда асосий қўмақчига айланиб қолган чанпоткич, кир ювиш машинаси, микротўқинли печ — уларнинг бари аслида роботлардир.

Бугунги кунда роботларнинг асосий қисми — 50 фоиздан ортигини Япония ва Германия ишлаб чиқармоқда. Халқаро робот федерациясининг маълумотларига қараганда, ўтган йили 225 минг санатори роботлари сотилган. Бу 2013 йилга нисбатан 27 фоиз кўп.

## ҲАР СОҲАННИНГ УСТА РОБОТЛАРИ

Яқин-яқингача санаторида асосан йирик, фақат битта вазифини бажаришга ихтисослашган, ёнига яқинлашганда жароҳат етказиш хавфи мавжуд роботлардан фойдаланилган. Бироқ сўнгги йилларда заводларда фойдаланилаётган замонавий роботлар одамларга ҳеч қандай зиён етказмай, улар билан елкама-елка ишлаб, йирик авиация двигателларидан тортиб, то ингичка смартфонларни йиғишгача қўмақлашмоқда. Бу ишлаб чиқариш самардорлигини оширишга қўлмай, компаниялар ўртасидаги рақобатни ҳам қучайтирмоқда. Роботлар огир юк кўтармоқда, пайвандламоқда, бўёқ ва елим суртмоқда. Бироқ кичик деталь ва электр симларини йиғиш билан боғлиқ якуний босқичдаги асосий ишларни барибир одамлар бажармоқда. Шунга қарамай, бу соҳада илгор роботлар йўқ деб бўлмайди. Масалан, Франциянинг Клеон шаҳридаги “Renault” автомобил заводидан Даниянинг “Universal Robots” компанияси ишлаб чиқарган роботлар ўта нозик ишларни одамлардан қолишмайдиган тарзда муваффақиятли адо этмоқда. Вази бор-йўги 29

килограмм бўлган бундай роботлар инсонларга мураккаблик туғдирадиган шароитларда двигателлардаги винтни бурайди. Хар бир деталь қай даражада тўғри ва сифатли йиғилганини текширади. Уларнинг яна бир ўзига хос томони — инсонларга ҳеч қандай зарар етказмайди.

Роботлардан нафақат автомобиль, балки бошқа санатори тармоқларида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Яқинда Швейцариянинг “ABB”, АКШнинг “Rethink Robotics” каби компаниялари маиший техника воситаларини йиғиладиган роботларни ишлаб чиқарди. Мусика асбоблари ишлаб чиқарувчи “Fender Musical Instruments” компанияси гитара ясашда Япониянинг “Fanuc” роботидан фойдаланмоқда. Сидней университетининг муҳандислик ва ахборот технологиялари факультети олимлари ясаган “Хонкизи” роботи қишлоқ ҳўжалиги соҳасида яқин кўмаки. Роботнинг имкониятлари айланди Австралиянинг пизез, лавлагги ва исмалок экин майдонларида синовдан ўтказилган бўлиб, натижалар қўтиланганидан ҳам юқори бўлди. Мазкур робот қуёш энергиясидан қувват олиб, мустақил ишлайди. Камера, ҳисоблагич билан жиҳозланган робот экин майдонидан бегона ўтлар, зараркунанда ва касалликка чалинган экинларни аниқлайди ҳамда йиғилган маълумотларни операторга юборади. Яқин келажакда “Хонкизи”дан сабзавот ва меваларнинг пишиб етилганини аниқлаш ҳамда инсонлар қўмақчисиз уларни йиғишда фойдаланиш режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда айрим мамлакатларда роботлар ошпазлик ҳам қилмоқда. Масалан, Хитойнинг Харбин шаҳрида роботлар ишлайдиган ресторан бор. У маҳаллий хўрандалар ҳамда сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Қизиғи, бу ерда ҳамма ишни роботлар бажаради. Масалан, улардан бири ошхонада овқат пишириш билан банд бўлса, бошқаси миқдорларни кутиб олади, бўш столга кузатиб, буюртма қабул қилади ва уни олиб келади. Роботлар ўн хил юз ҳаракатини ифодалашини, оддий сўзларни айта олиш имкониятига эга. Уларга ультратовушли ҳисоблагичлар ўрнатилган бўлиб, бу ҳаракатланиш чоғида турли тўсиқларни айланиб ўтиш ва уларга тўқнашиб кетмаслик имконини беради.

Яқинда Японияда юмушларнинг 90 фоизи-

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Бир неча

## дақиқалик парвоз

Колумбия пойтахти Богота шаҳрида кичик самолётнинг кулаб тушиши оқибатида уч уй ва новвойхона зарар кўрди.



“Ассошиэтед Пресс” агентлигининг маълум қилишича, самолёт кулагач, ёнгин бошланган. Самолёт бортида бўлган учувчи ва йўловчи, шунингдек, ердагиларнинг бири ҳалок бўлган. Етти киши турли даражадаги куйиш жароҳати билан шифохонага ётқизилган. Улардан бирининг аҳоли оғир экани айтилмоқда.

Аниқланишича, мазкур самолёт Эльдорадо аэропортидан хавога кўтарилганидан бир неча дақиқа ўтиб, кулаган. Бу Колумбияда сўнгги ойлари ичида самолёт кулаши билан боғлиқ учинчи ҳолатдир.

## Тўфон, кучли шамол ва ёнғингарчилик

Филиппиндаги энг катта орол — Лусонга “Коппу” тўфонининг ёпирилиши оқибатида ўн беш мингдан зиёд киши хавфсиз ҳудудга кўчирилди.




“Reuters” агентлигининг маълумотларига таяниб хабар беришича, ўнлаб авиарейслар бекор қилинди. Шамолнинг соатига 210 километр тезлик билан эсиши оқибатида бир қатор турар-жой бинолари, йўллар ва электр узатиш тармоқларига зарар етди. Тропик хаво оқими кучли ёнғингарчиликка сабаб бўлмоқда. Ҳозирча жабранганлар ҳақида маълумотлар йўқ. Метеорологларнинг баёжоратига кўра, тўфон Филиппинда яна бир неча кун давом этиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, 2013 йилда “Хайя” тўфонининг ёпирилиши оқибатида Лейте вилояти ҳамда Самар ороли жиддий зарар кўриб, олти мингга яқин киши ҳалок бўлган эди.

## Энг хавфли орол

Олимлар Бразилия қирғоқлари яқинидаги Кеймада-Гранди оролини ер юзидаги энг хавфли орол сифатида тан олишди.



Сабаби — бор-йўги 0,43 квадрат километр ҳудудни эгаллаган мазкур оролда тўрт мингдан зиёд дунёдаги энг захарли илонлар яшайди. Бу ҳар квадрат метрда бештагача илон тўғри келади деганидир. Шу боис мазкур ҳудуд — “Илонлар ороли” деб ҳам юритилади. Бу ердаги илонлар ўта захарли бўлиб, у инсонлар ва жониворлар учун ўта хавфлидир. Шу боис Бразилия ҳукумати бу ерга ташрифни тақиқлаб қўйган. Илмий тадқиқотлар олиб бориш учун фақат ойда бир марта олимларнинг бу ерга киришига рухсат этилади.

Узоқ йиллар мобайнида расадхонага фақат олимлар қадам ранжида қилган бўлиб, бу ерда фаннинг қўлпаз тармоқлари, ҳусусан, метеорология, астрономия, гляциология, физиология, шунингдек, коинот радиацияси масалалари юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бугун эса мазкур расадхона сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган масканлардан бирига айланган. Расадхонага юз йил олдин қоя ичида қурилган 111 метрли лифт орқали чиқилади. Лифт сайёҳни 25 секунд ичида расадхонага олиб чиқиб қўяди. Сайёҳлар лифддан чиқишлари билан унча катта бўлмаган томоша майдонига дуч келадилар. Бу ердан туриб юқоридан кафтдай номоён бўлувчи қорли тоғ қояларини, яшилликка бурканган водий гўзаллигидан баҳраманд бўлиш

имконияти мавжуд. Бундан ташқари, расадхона гўмбазидан ўрнатилган телескоп орқали самони кузатиш мумкин. Расадхона у қадар катта бўлмаса-да, бироқ бу ерда яшаш учун барча шарт-шароит яратилган. Олимлар бу ерда ташкил этилган тўрт лаборатория, коинот радиациясини ўрганишга мўлжалланган майдончада фаолият олиб борадилар. Расадхона кутубхона, ошхона, меҳмонхона, ўнга ётоқхона ва ювиниш хоналарига эга. Бу олимлар ва сайёҳларнинг расадхонада ўзларини ўз уйидагидек ҳис этишига ёрдам беради.


2001 йилда Юнгфрау-Алеч-Бичхорн минтақаси, унинг таркибига кирувчи Эйгер, Монк ва Юнгфрау тоғ чўққилари ҳамда мамлакатдаги энг йирик Алеч музлиги ЮНЕСКОнинг хажон мероси рўйхатига киритилган.

Саҳифани “Milliy tiklanish” муҳбири Шаҳноза ГАФФОРОВ тайёрлади

## Рангин дунё

Альп тоғларининг Швейцария ҳудудидан ўтган қисмида уч баланд — Эйгер, Монк ва Юнгфрау номи тоғ чўққилари жойлашган. Бу хушманзара маскан қишин-ёзин сайёҳлар билан гавжум. Бу ер “Европа чўққиси” деб аталувчи Юнгфрауёх довоми, дунёдаги денгиз сатҳидан энг баланд нуқтада жойлашган иншоот — “Сфинкс” расадхонаси билан ҳам машҳур. Расадхонага фақат Юнгфрауёх довомидан ўтган темир йўл орқали бориш мумкин. Поезд Эйгер, Монк ва Юнгфрау тоғ чўққилари, Алеч музлиги ҳамда Гриндельвальд водийсига олиб боради.

# Чўққидаги расадхона



Бу қадар баландликда поезд ҳаракатланадиган темир йўл тармоғи Европанинг бошқа ҳудудидан учрамайди. Баланд тоғ чўққиларига қадар темир йўл ўтказиш чоғидаги санатори ишбилармони Гюйер-Целлер илгари сурган. Мазкур хушманзара ҳудуднинг туристик имкониятлари юқориликни ҳисобга олиб, маҳаллий ҳокимият ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Юнгфрауёх довомида темир йўл қуриш ишлари 1896 йилда бошланиб, 1912 йилда якунланди.

Довонга бориш учун даставвал Интерлакен коммунасида жойлашган темир йўл вокзалдан поездга чиқарилади. Ундан Лаутербронен кишлоғи ва Гриндельвальд водийсига етиб олиш мумкин. Бу ердан эса бошқа по-

ездга ўтириб, Кляйне Шайдег довомига, ундан эса Юнгфрауёхга қадар олиб борадиган “Jungfrau railway” темир йўл тармоғига қарашли поездга чиқилади. Поезд гарчи секин ҳаракатланса-да, бу унинг тоққа чиқиб боришига ҳалақат бермайди. “Eigerletscher” бекатига қадар бўлган дастлабки икки километрлик масофа очик жойдан ўтган. Ундан кейинги бекатга етиб олиш учун Эйгер, Монк ва Юнгфрау тоғ чўққилари ичида қурилган саккиз километрлик туннелдан ўтилади. Поезд сайёҳлар зерикиб қолмаслиги ҳамда бироз нафас ростлаб олишлари учун туннел ичида иккита бекатга тўхтаб ўтади. Ҳаво очик пайтида ям-яшил водийлар, қорли чўққилар ва муз

қояларини томоша қилиш кишида ўзгача ҳаяжон ва ҳайрат уйғотади. Поезд ниҳоят Юнгфрау тоғи ҳамда Алеч музлигига олиб чикувчи Юнгфрауёх довомидаги сўнгги — “Юнгфрау” бекатига келиб тўхтади. У Ев-

ропа қитъасидаги денгиз сатҳидан энг баландда жойлашган темир йўл бекатидир. Бу ерга яқин жойда эса “Сфинкс” расадхонаси ва метеорология станцияси фаолият юритади. Расадхона Швейцариянинг Альп

тоғларида, денгиз сатҳидан 3571 метр баландликда жойлашган. Расадхонага етиб олиш учун поездда тўрт соат вақт сарфланса-да, йил давомида бу ерга ташриф буюрувчиларнинг қадими узилмайди.

Реклама ўрнида



**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган туб ислохотлар иқтисодий эҳтишимиздаги чуқур таркибий ўзгаришларнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Натижада соҳа вақиллари учун кенг имконият ҳамда имтиёзлар яратилиб, улар тайёрлаётган рақобатбардоби маҳсулотлар ички ва ташқи бозордан мустақкам ўрин эгаллаяпти. Табиийки, ана шу жараёнда тижорат банклари ажратаётган кредит маблағлари муҳим аҳамият касб этаётди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳамда қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишлар қадрловини кенгайтиришида дастуриламал бўлмоқда.**

# Банк кўмаги тадбиркорлик ривожига хизмат қилади



миллиард сўм микрокредит ажратилди. Бу эса кўплаб ёшларнинг ҳаётида ўз ўринларини топишларига замин яратмоқда. Банк томонидан аёллар тадбиркорлиги ва оилавий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аёл тадбиркорларга, шунингдек, ишловчиларнинг камида 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига шу йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра 72,1 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Экспорт қилувчи корхоналарни кўллаб-қувватлаш, модернизациялаш ва техник, технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга 274,9 миллиард сўм миқдорда инвестицион кредитлар ажратилди. Банк ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш дастури қўллаб-қувватлаш дастури фаол иштирок этиб, коллеж битирувчиларини, тадбиркорликка жалб этиш борасида ҳам кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда. Ёш оилаларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, уларга уй-жой сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, уй-рўзгор буюмларини харид қилиш, уларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадлари учун йил бошидан буюн 27,9 миллиард сўм миқдорда имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитлари ҳамда микрокредитлар ажратилди. Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига хизмат қўра-тиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун ажратилган кредитлар миқдори 80,9 миллиард сўмни ташкил этди.

Жорий йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилишига муҳим устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бу вазифалар бўйича "Микрокредитбанк" томонидан чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш вазифаларини аниқ белгилаб олинган. Банк ўз маблағлари ҳисобига замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, шунингдек, банкрот корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш, янги иш ўринларини яратиш учун инвестицияларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифа ва устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида "Микрокредитбанк" то-

монидан жами 2706 та лойиҳага 185,8 миллиард сўм кредит ажратиш режалаштирилган. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида 2524 та лойиҳага 156,3 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш доирасида шу йилнинг 1 июль ҳолатига 28 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Иш ўринларининг асосийси қишлоқ жойларда яратилди.

Банк озиқ-овқат саноати корхоналарини молиявий кўллаб-қувватлашни кенгайтириш, кўрсатилган хизматлар кўламини ошириш чораларини кўрмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан эса 106,8 миллиард сўм, 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилиши рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 82,5 миллиард сўм кредит ажратилди.

Банқдан олинган микрокредитлар жойларда, жумладан, чекка ва қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантиришга керак бўлган бошланғич сармояни шакллантиришга замин яратиш билан бирга, қатор қулайлик ва имтиёзлар яратилганлиги аҳолини, хусусан, аёллар ҳамда касб-ҳунар коллеж битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— 2013 йилда "Микрокредитбанк"нинг 31 миллион сўмлик кредити эвазига трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эдик, — дейди Оқдари туманидаги "Дилноз" хусусий корхонаси раҳбари Элбуви Шодмонова. — Олинган кредитдан самарали фойдаланаётганимиз боис, ҳеч бир қийинчиликсиз қарзимизни муддатидан олдин қайтардик. Фаолиятимизни янада кенгайтириш, маҳсулот турини кўпайтиришда банкнинг молиявий кўмаги катта бўлмоқда. Ўтган йили ушбу банкнинг Лойиш филиали ажратган 45 миллион сўмлик кредит эвазига замонавий ва самарали тикув машиналари, хом ашё маҳсулотлари харид қилиш эвазига маҳсулотларимиз тури бир неча ўн баробарга ортди. Энди корхонамиз қўшни вилоят аҳолисига ҳам сифатли ва бежирим трикотаж маҳсулотлари, кўрпа-

ёстик, чойшаблар, иш кийимларини етказиб бермоқда. Маҳсулотлар сифати, дизайни ва арзонлиги билан миқдорлар эътиборини қозонмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига берилаётган эътибор ва рағбат биз каби тадбиркорлар сафи кенгайишига, маҳаллий ишлаб чиқаришнинг янада ривожланишига, уларнинг имкониятлари тобора ортишига замин яратмоқда. Ички бозорни рақобатбардоби ва харидоригр маҳсулотлар билан тўлдирish мақсадида саноат корхоналари, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва кўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этиладиган анъанавий ярмаркалар биз каби тадбиркорларнинг фаолиятини кенгайтиришга туртки бермоқда. Хар йили "Ўзэкспомарказ"да ташкил этиладиган Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида ўз маҳсулотларимиз билан иштирок этамиз. Хом ашё ўзимиздан чиқаётгани ва молиявий муассасанинг кўмаги туфайли ўтказилган ярмаркаларда 15 турдан ортиқ маҳсулотни намойиш этиб, ўтган йили 200, жорий йилда эса 300 миллион сўмлик шартнома тузишга эришдик. Бундай ярмарка ва кооперация биржалари эришаётган ютуқ ва мавжуд имкониятларимизни намойиш қилишга, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга имконият яратмоқда. Мақсадимиз маҳсулотлар тури ва ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш орқали ташқи бозорда ҳам ўз ўрнимизни топишдир.

2013-2016 йилларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштириш банк тизимининг энг муҳим вазифаларидан бирига айланди.

— Юртимизда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва формаларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётди, — дейди "Асака файзли нон" МЧЖ раҳбари Акмалжон Қаҳқоров. — Масалан, бугун банкдан кредит олиш муаммо эмас. Бунинг учун ҳеч қандай аралашувига ҳоҳат йўқ. Чунки ҳар бир олаётган кредитнинг қонуний талаби бўлади. Айтилик, бизнес-режа ва албатта, унинг таъминоти бўлиши шарт. Ўнг муҳими, кредитдан самарали фойдаланиш зарур. Айни чоғда уни банкка қайтаришни ҳам ўйлашимиз керак. Нега деганда, ушбу кредитдан бошқа бир тадбиркор ҳам фойдаланиши, яхшироқ натижага эришиши мумкин. Яъни, кредитни оқлаш — асосий вазифа. Биз тадбиркорларга бизнес-лойиҳаларимизни амалга оширишда "Микрокредитбанк" кредитлари катта кўмак бераётди.

Аҳолини сифатли, арзон нон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 2008 йилда "Асака файзли нон" МЧЖни ташкил этдик. 2013 йилда "Микрокредитбанк"дан олинган 39 миллион сўм кредит эвазига хорижда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарни олиб келиб ўрнатдик. Энди маҳсулотларимиз тури, кўлами ва сифати янада ошди. Шу билан бирга, 7 янги иш ўрни яратилди. Айни кунда корхонамизда 15 ёш мутахассис меҳнат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, "Микрокредитбанк"нинг молиявий кўмаги эвазига фаолиятини ривожлантираётган корхоналар мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва сифати ошишига, халқимиз турмуш даражаси янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Эркин ДОРИПОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Анорни айрим давлатларда "алвон шифокор" деб аташади. Негаки у дунёдаги энг фойдали мевалардан биридир. Анор — анордошлар оиласига мансуб бўлиб, бўйи беш метргача борадиган бута ҳисобланади. Унинг сершира, ширин, нордон-ширин ёки нордон мазали турлари мавжуд. Халқимиз бежизга "Анорнинг ичида қанча донаси бўлса, шунча касалликларга даво бўлади", дейди. Таркибида киши организмга фойдали, иштаха очувчи, овқатни ҳазм қилувчи ҳамда ижобий таъсир кўрсатувчи лимон, олма ва органик кислоталар, қанд моддаси (фруктоза, глюкоза, сахароза), витаминлар мавжуд.

Пўстлоғи таркибида ошловчи, бўёқ ва бошқа моддалар бор. Тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино анор пўстлоғини милк ва ичакдан қон кетганда, сийдик ҳайдовчи, яра ва жароҳатларга малҳам сифатида ишлатган. Бундан ташқари, анор пўстлоғидан тайёрланган қайнатма, дарахтининг барча қисми: уруғи, пўстлоғи, шарбати, пояси, илдизи ва гуллари фойдали. Анорнинг янги меваси, мураббо, ичимлик ҳолида ҳам шифобахшдир. Тенг миқдордаги анор донаси ва майиз, бироз миқдорда қора зира қўшиб туйиб ейилса, қайт қилишни тўхтатади, меъдага қувват бағишлайди. Халқ таъбиотида анор пўстлоғи, меваси ва мева пўсти, ўсимлик гули истиско (водянка), кўтир, йўтал, ичбуруғ, сариқ касалликларига даво дейилади. Анор таркибидаги танин моддаси ҳазм қилиш аъзоларидаги яллиғланишни даволашда қўл келади. Анор қонда гемоглабин миқдорини кўпайтиради, турли хасталиқларга қарши иммунитетни оширади, иштахани очади. Иссиқ ҳароратни туширади, қон босимини муътадиллаштиради, йўтални камайтиради. Анор шарбати энг кучли антиоксидантдир. У сийдик ва ўт ҳайдаш, аъзолар яллиғланишини даволаш, таомлар ҳазмини яхшилаш ва ичак йўллари мустаҳкамлаш хусусиятига эга. Бироқ анор шарбатини гастрит ва меъда яраси хасталигида ичиб бўлмади. Қоринни дамлатмаслиги учун анор шарбатини сабзи ва лавлаги шарбатлари ёки қайнатилган сув билан аралаштириб ичган маъқул. Хар қандай шифобахш неъматни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш зарар келтиргани каби анордан фойдаланганда меъёрга эътибор қаратиш лозим. Анор меваси ва илдизидан тайёрланган турли дамламаларни ҳаддан зиёд кўп ичиш умумий ҳолсизлик, бош айланиши, қўриш қобилиятининг сусайишига олиб келиши мумкин. Ошқозонни заифлаштириб, ундаги меъёрнинг бузилишига сабаб бўлади.



БИЛАСИЗМИ?

- Дунёдаги илк механик соатни милодий 725 йилда хитойлик усталар И Син ва Лян Линцзан ясаган.
- Ўлик денгиздаги сувнинг ҳар литрида 275 грамм калий тузи, натрий, бром, магний ва калций мавжуд. Мазкур денгиз 43 миллиард тонна минерал ресурс захирасига эга.

ТУРФА ОЛАМ

## Универсал велотиркама

Даниялик дизайнер Мадс Йохансен велосипедга уландиган "Wide Path Camper" номли гилдирекла уй иختиро қилди.

"Wide Path Camper" санокли сонияларда тиркамадан уйга айланади. Унинг ичига бир фарзанди бор оила жойлашиши мумкин. Велотиркаманинг эни 99 сантиметр, бўйи эса 260 сантиметрга тенг. Унинг ичида тик туришнинг имкони йўқ. Чунки унинг баландлиги 130 сантиметр, бироқ табиат қўйнида дам олиш учун шунинг ўзи кифоя. Велотиркамада иккита кичик диван ва стол бор. Столни йиғиб, диванлар бирлаштирилса, ётоқхона ҳосил бўлади. Йиғилган ҳолатда велотиркама икки баробарга кичрайдди. Унинг умумий оғирлиги 45 килограммга тенг. Уни бир неча сонияда велосипедга улаб, манзилга отланиш мумкин. Нархи икки минг евро. Қўшимча имкониятлар билан нархи янада қимматлашади. Қимматлар велокемперлар оҳсона, мебель, ҳатто, қуёш батареяси билан жиҳозланган бўлади.



## Болалар учун автомобиль

Япониянинг автомобиль ишлаб чиқарувчи "Toyota" компанияси "Tokyo Toy Show" кўргазмасида болалар учун мўлжалланган "Toyota Camatte" машинасини намойиш этди.

Ушбу ноёб транспорт воситасининг бўйи 2,7 метр, эни 1,2 метрни ташкил этади. У уч киши — олд ўриндикдаги ҳайдовчи ва орқа ўриндикдаги икки йўловчи учун мўлжалланган. Ҳар қандай ҳавф таҳдиди олмайди. Ш.ҒАФФОРОВ тайёрлади.



ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши партия Жондор туман кенгаши раиси Исмоил Холовга отаси <b>Курбон ХОЛОВ</b> нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.
ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши етакчи мутахассис Тўлқин Ражабовга онаси <b>МУТАРРАМ</b> аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.
ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши партия Кармана туман кенгаши раиси Тўлқин Рустамовга отаси <b>ЎРИН</b> бобонинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Кўргазма

## Рассом туйғулари жилоси

Ўзбекистон Бадий академиясининг Тошкент Фотосуратлар уйида мусаввир Аслиддин Калоновнинг "Туйғулари дунёси" номли кўргазмаси очилди. Ундан рассомнинг 150 дан ортиқ рангтаъвир ва график асарлари ўрин олган.

Мусаввир асарларида юртимизнинг бетакор манзаралари, йил фасллари тасвирини учратиш мумкин. Тарихий шахарларимиз, қадимий турар-жойлар, кўчалар акс эттирилган картиналар ҳам томошабинларда катта таассурот уйғотмоқда. Айниқса, "Олтин куз", "Яшил Самарқанд", "Афросиёб тепаликлари", "Нурота тизмасининг юксак чўққилари", "Шоҳи Зинда", "Анъаналар тик-



ланиши" каби асарлар туркуми рангтаъвир илҳосмандларини бефарқ қолдирмаслиги табиий.

Рассом Аслиддин Калонов Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти. У китоб

графикаси композицияси фани бўйича кўплаб ўқув кўланмалар муаллифи, талабаларнинг талабчан устози.

— Мамлакатимизда ижодкорлар учун барча имконият ва шароит муҳайё, — дейди мусаввир. — Бизга кўрсатилаётган юксак эътибордан илҳомланиб, асарларимизда юртимизнинг бетакор табиати, шонли ўтмиши, миллий анъаналарини ифодалашга ҳаракат қилганман.

Рангтаъвир асарлари А.Калонов экспозициясининг асосий қисмини эгаллайди. Айнан шу асарларда ўтмиш ва келажак, эзгулик ва ёвузлик кураши, бетакор тарихий обидалар ўз аксини топган. Бу тасвирларда рассом ўзгача композиция ту-

зиш, туйғулари фалсафаси ва сиймолардан маҳорат билан фойдаланган.

— Рассом асарларининг манзаралар туркуми классик усулда бўлиб, табиат ва ижодкор ўртасидаги муносабатларни таъсирчан ва аниқ ифодалади, — дейди санъатшунос Татьяна Рогова. — Томошабин рассом билан бирга Афросиёб тепаликларидаги баҳор нафасини ҳис этади, ёмғирли куннинг нам ҳавосидан роҳат олади, кузги олтинранг дарахт баргларининг товланишидан завқланади. Киши беихтиёр кечки қуёш ранглари томоша қилади, тоғ чўққилари маҳобати олдидан хайратга тушади. Кўргазма 22 октябргача давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ